



№ 4
2021-йил, 27-январ
Chorshanba (32.646)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Ўзбекистон ОҲОЗИ

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Мурожаатномада илгари сурилган ғоялар, белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятларининг асосий йўналишларини белгилаб олишмоқда. Шунингдек, янги қонунлар лойиҳаларига ўз таклифларини билдиришмоқда.



Нурдинжон ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
Спикери:

— Президент Мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, сиёсий партиялар фракциялари, масъул кўмиталар, ҳокимият вакиллик органлари кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда режаларни шакллантириб, келажақда бажариладиган ишлар йўналишини аниқлаб олмақдалар.

Бунда икки асосий йўналишга — фуқаролар соғлигини сақлаш тизимини ривожлантириш ҳамда замонавий, самарадор таълим тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:

— Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилмаётган ишлар ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлиши лозимлиги кўрсатилди.

Мана шу йўлдан огишмай давом этиш учун ҳар бир тармоқ, соҳа ва ҳудудлар кесимида аниқ йўл хариталари ишлаб чиқиш, уларнинг ижроси бўйича доимий равишда халққа ҳисобот бериб бориш тартиби жорий этилиши лозим.



Улуғбек ВАФОЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:

— Амалдаги қонунчиликка кўра, президентлик сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловлар тегишинча уларнинг конституциявий ваколат мuddати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилади. Сайлов жараёнларининг энг фаолини талаб қиладиган даври декабрь ойига тўғри келиши кўллаб қийинчилик ва ноқулайликлар тугдирарди.

Табиийки, сайловларнинг бу даврда ўтказилиши ундан кейинги сиёсий тадбирлар, жумладан, парламент биринчи мажлисини ўтказиш, ҳукуматни шакллантириш, давлат раҳбарининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси янги йилнинг биринчи чораги охирига қадар ҳўзилишига олиб келарди. Натижанда бу Давлат дастурини қабул қилиш ва бошқа ислохотлар кечитрилишига сабаб бўларди. Шу боисдан, сайловлар уларнинг конституциявий ваколат мuddати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилиши тақриф этилмоқда. Албатта, бу кўп ҳижадан қулайликлар тугдирарди.



САМАРҚАНДЛИК ТАЛАБАЛАР ТАШАББУСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қўллаб-қувватланди, дунё бўйлаб акс-садо берди

2020 йил 25 декабрь. Тошкент шаҳри. Мазкур сана тарих саҳифаларига нафақат пойтахтимизда Ёшлар форуми ўтказилгани, анжуманда мамлакатимиз раҳбари иштирок этгани, балки

самарқандлик талабалар таклифи инобатга олиниб, Ўзбекистон талабалари ассоциациясига пойдевор қўйилгани билан ҳам муҳрланади...

Давоми 2-бетда. ▶



НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ИМКОНИАТЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

3

ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ МИҚДОРЛАРИ ОШИРИЛАДИ

Манба: ЎРҚ-642, 20.10.2020й. @huquqiyaxborot

Аҳоли бандлигини рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидия, грант ва кредитлар ажратиш

Хар йили иш ўринларини ташкил этишга доир давлат бюртмасини шакллантириш

Маҳаллий меҳнат органлари томонидан иш қидираётган ва ишсиз шахсларга курсатиладиган хизматлар турлари

Аҳолининг бандлигини таъминлашга оид қатор масалалар Қонун даражасида белгиланди

Иш қидираётган шахсларни маҳаллий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини юритиш

Меҳнат стажини электрон тарзда ҳисобга олиш

МЕҲНАТ КОДЕКСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШГА КЎРА:

Ишсизлик нафақаси 12 ойлик давр ичида кўпи билан **26 ҲАФТА** давомида тўланиши белгиланди

ИЛГАРИ ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсларга **13** ҳафта, бошқа тоифадагиларга **26** ҳафта мобайнида тўланар эди

ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ МИҚДОРИ КЎЙДАГИЧА ОШИРИЛАДИ:

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) сўнги **12** ойлик давр ичида маҳрум бўлган шахсларга

Авалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг **50%** миқдоридан, лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХЭКМ – **679 330** сўм)дан оз бўлмаган миқдорда

ИЛГАРИ МХЭКМнинг **35,2%** дан оз бўлмаган миқдоридан

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ҳамда узоқ (**1** йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга

МХЭКМнинг **1** баравари миқдоридан

ИЛГАРИ МХЭКМнинг **26,5%** ва **35,2%** дан оз бўлмаган миқдорларда

Илгари ишламаган, биринчи марта иш қидираётган шахсларга

МХЭКМнинг камида **75%** миқдоридан

ИЛГАРИ МХЭКМнинг камида **26,5%** миқдоридан

МУРОЖААТНОМА

Олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

САМАРҚАНДЛИК ТАЛАБАЛАР ТАШАББУСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қўллаб-қувватланди, дунё бўйлаб акс-садо берди

2021 йил 22 январь. САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ. ЎЗБЕКИСТОН ТАЛАБАЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING ТАШКИЛИЙ ФОРУМИ ОНЛАЙН ТАРЗИДА БЎЛИБ ЎТДИ. ФОРУМДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲАМДА ХОРИЖДАГИ НУФУЗЛИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ 100 ДАН Ортиқ талабалари қатнашиб, ўзаро фикр алмашишди. ЖАМИ ИШТИРОКЧИЛАР СОНИ 500 ГА Яқинлашгани дунё ёшларининг бир-бирини тушунишни осонлигини, бир-бирини тез англашни амалда кўрсатди. ЎЗБЕКИСТОН ТАЛАБАЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ФОРУМИДА, ШУНИНГДЕК, ОСИЁ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ, ИПАК ЙЎЛИ ДАВЛАТЛАРИ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ, МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТОМОНИДАН БОШҚАРИЛАДИГАН ЕВРОСИЁ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ АССОЦИАЦИЯЛАРИ РАҲБАРИЯТИ, МУТАСАДДИЛАРИ ИШТИРОК ЭТИБ, ЎЗБЕКИСТОН ТАЛАБАЛАРИ ТАШАББУСИНИ БИР ОВОЗДАН Қўллаб-қувватладилар.

Форум ишида Америка, Германия, Япония, Ҳиндистон, Россия, Хитой, Туркия, Қозғистон, Беларусь, Венгрия, Исроил, Қирғизистон каби хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар ва уларнинг курсдошлари ҳам фаол иштирок этиб, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ўзбекистон талабалар ассоциациясини ташкил этишдан кўзланган мақсад нафақат Ўзбекистон олий ўқув юртлари, балки бутун дунё ёшлари учун мулоқот майдони яратиш, тажриба алмашиш ва жаҳон ёшларининг ўзаро бирдамлигига эришишдир.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Юсуф Абсоатов, Самарқанд вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хуршид Очипов, Самарқанд давлат университети ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов, Исроил Холон технология институти президенти Эдуард Якубов форум иштирокчиларини табриклаб, Ўзбекистон талабалари ассоциациясининг келгуси ишлариغا муваффақиятлар тилашди.

Иллар, асрлар ўтади. Самарқандлик ёшлар ташаббуси, Президентимиз Шавкат Мирзиёев эътибор ва гамхўрлиги билан дунёга келган мазкур тузилманинг Парижда, Вашингтонда, Берлинда, Нукусда, Минскда, Москвада, Нурсултонда, Ашхабодда, Душанбеда, Бишкекда бўлиб ўтадиган форумларида миннатдор аводлар Самарқанд давлат университетига таъсис йўғиллиши ўтказилгани, Ўзбекистон талабалар ассоциациясига тамал тошини қўйганлар номини бир-бир эслашди...



Маржона Самадова, Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз филологияси факультети 1-курс талабаси:

— 2020 йилнинг 25 декабрь санасида ташкил этилган Ёшлар форумида Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон талабалар ассоциациясини ташкил этиш таклифини билдирганимда, менда жуда катта ҳаяжон билан бир қаторда, улкан масъулият ҳам бор эди. Ушбу лойиҳани ишлаб чиқишда жуда ҳам кўп мамлакатлар тажрибасини ўргандик. Хусусан, Молдова, Россия, Хитой, Америка,

Европа ва бошқалар.

Президентимиз томонидан таклифимиз жуда яхши қабул қилинди. Ҳозирги кунда Самарқанд давлат университетига ассоциация ўз фаолиятини бошлади. Ассоциациянинг илк ташкилий форумини мамлакатимиз ва хорижлик талабалар билан ҳамкорликда ташкил этдик. Форум доирасида бизнинг ташаббусимизни чет эллик талабалар ҳам илқ қўтиб олишди ва ўларнинг таклифларини билдиришди. Мақсадимиз жуда катта. Яқин фурсатлар ичида республикамиздаги ҳамда хориждаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Ассоциацияни ташкил этишдан асосий мақсад, бир олий ўқув юрти билан иккинчи бир олий ўқув юрти талабалари ўртасида алоқа ўрнатилиши, талабанинг чет мамлакатларда таълим олишини таъминлаш, умуман олганда, талабанинг ҳар қандай ҳаракати ва илганишларини қамраб олишдан иборат.

Ишонч билан айта оламани, мазкур тузилма мамлакатимизда талабалар жамияти курилишининг мустаҳкам пойдевори бўлади.



Кае Мария Александра, Голландиядаги Лейден университети магистранти:

— Ўзбекистон ёшларини, уларнинг дадил ташаббусини чин юракдан қўллаб-қувватлайман. Талаба-ёшлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўзаро бирдамлигига эришиш жуда муҳим масала, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон талабалар ассоциациясининг ташкилий форумида иштирок этиб, ушбу тузилма фаолиятига муваффақият тилаганим, мени жуда мамнун этди.

Ўзбекистон Президентининг талабаларга эътибори ва гамхўрлиги ҳақида тенгдошларимдан эшитиб, ҳайратландим. Бугун дунё ёшларни эшитиш, фикрларига қулоқ солиш, улар билан ҳисоблашиш лозим, деб ўйлайман.



Аллаёр Норбоев, Самарқанд давлат университети ёшлар етакчиси:

— Ёшлар форумида Ўзбекистон талабалар ассоциациясини ташкил қилиш бўйича таклиф қўллаб-қувватланган куннинг эртасигаёқ ишга киришдик. Самарқандлик талабалар бир ёқадан бош чиқариб, хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари вакиллари билан мулоқотда бўлди, уларнинг тажрибаси асосида Ўзбекистон

талабалар ассоциацияси Низомини ишлаб чиқдик.

Низомда асосий эътибор талаба-ёшларнинг лидерлик қобилиятини кучайтириш, фаоллигини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илгор иш тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган. Шунингдек, талаба-ёшларнинг иқтидорини янада юксалтириш учун турли кўрик-танловлар, талабалар фестиваллари, интеллектуал ўйинлар ҳафталиги, халқаро талабалар анжуманлари, турли мусобақалар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон талабалар ассоциациясини нафақат мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари талабаларини бирлаштириши, балки Бутунжаҳон талабалар ассоциациялари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатади.

Ассоциация жамиятимиз тарраққотишига катта ҳисса қўшадиган миллионлаб фидойи, жонкуяр ва иқтидорли талабаларни ўзида бирлаштириши.



СамДУ Матбуот хизмати сурати



Хусан Зиёдов, Хитойдаги Шанси нормал университети тарих факультети 4-курс талабаси:

— Талабалар сафи дунё мамлакатларида тобора кенгайиб бормоқда. Мазкур вазият ўз навбатида улар билан боғлиқ муаммолар ҳам ортиб боришига олиб келади. Ўзбекистон талабалар ассоциациясининг тузилишига бағишланган ташкилий форум ҳақида Хитойда ўқиётган чет эллик тенгдошларимга айтганимда, улар жуда хурсанд бўлишди. Талабалар ўртасидаги алоқалар жамият томирида соғлом қон оқиши демакдир.

Хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар номидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдираман. Биз давлатимиз раҳбарининг ишончини албатта оқлаймиз.

Хитойдаги Шанси нормал университети тарих факультети 4-курс талабаси: — Талабалар сафи дунё мамлакатларида тобора кенгайиб бормоқда. Мазкур вазият ўз навбатида улар билан боғлиқ муаммолар ҳам ортиб боришига олиб келади. Ўзбекистон талабалар ассоциациясининг тузилишига бағишланган ташкилий форум ҳақида Хитойда ўқиётган чет эллик тенгдошларимга айтганимда, улар жуда хурсанд бўлишди. Талабалар ўртасидаги алоқалар жамият томирида соғлом қон оқиши демакдир.

Хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар номидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдираман. Биз давлатимиз раҳбарининг ишончини албатта оқлаймиз.

Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш йўлида юртимиз ёшларининг хорижлик тенгдошлари билан илмий-маданий ҳамкорлигини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бой тарихимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, улкан иқтисодий ва маданий салоҳиятимиз билан дунё талаба-ёшларини яқиндан таништиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Биз ассоциацияни ташкил этишда барча талаба-ёшларнинг қизиқишлари, хоҳиш ва истаklarини, талаб ва таклифларини кўриб чиқмоқдамиз. Уларнинг муаммоларини атрафлича ўрганиб, ҳал қилиш механизмларини толамиз. Ишонч билан айта оламани, биз, ёшлар бундай имкониятлардан унумли фойдаланамиз.

Мамлакатимиздаги иқтисодий юксалишлар, шарафсизлик, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини, жаҳондаги тенгдошларимиз ўз кўзи билан кўриши учун талабалар туризмни ташкил этиш тарафдориман. Бу борада ҳам Ўзбекистон талабаларининг билим ва салоҳияти етарли, деб ўйлайман.

Бир ҳақиқатни айтмоқчиман. Шу кунгача биз ҳатто бир шаҳардаги олий ўқув юртларидаги янгилликлардан, тенгдошларимиз қандай ютуқларга эришганидан бехабар эдик. Талабалар ассоциацияси мазкур бўлишнинг тўлдиршига ишонаман.

Ёшлар аҳил ва ҳамжиҳат бўлган дунёда барқарорлик ва тинчлик ҳукм суришига ишонаман. Ўзбекистон ёшлар мамлакатини, Президентимиз бизларни бир мақсад йўлида бирлашишга даъват этмоқда. Бу Ватан ва Миллат юксалиши учун ўқиш ва курашиш...

Мамлакатимиздаги иқтисодий юксалишлар, шарафсизлик, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини, жаҳондаги тенгдошларимиз ўз кўзи билан кўриши учун талабалар туризмни ташкил этиш тарафдориман. Бу борада ҳам Ўзбекистон талабаларининг билим ва салоҳияти етарли, деб ўйлайман.

Бир ҳақиқатни айтмоқчиман. Шу кунгача биз ҳатто бир шаҳардаги олий ўқув юртларидаги янгилликлардан, тенгдошларимиз қандай ютуқларга эришганидан бехабар эдик. Талабалар ассоциацияси мазкур бўлишнинг тўлдиршига ишонаман.

Ёшлар аҳил ва ҳамжиҳат бўлган дунёда барқарорлик ва тинчлик ҳукм суришига ишонаман. Ўзбекистон ёшлар мамлакатини, Президентимиз бизларни бир мақсад йўлида бирлашишга даъват этмоқда. Бу Ватан ва Миллат юксалиши учун ўқиш ва курашиш...

— Ўзбекистон талабалар ассоциациясида илмий анжуманлар, мулоқотлар ташкил этишни таклиф этмоқчиман. Халқаро миқёсда талабалар илмий ишларини тарғибот қилиш, тажриба алмашиш, ёшларнинг бир-биридан хабардор бўлиши жуда муҳим, деб ўйлайман.

Талабалар илмий ишларини, ишлаб чиқариш корхоналарига интеграциялаш борасида хорижда катта ишлар қилинган, биз ҳам мамлакатимизда бунга эришишимиз зарур. Хорижда чиқаётган талабалар илмий журналларида, тўпламларида бизнинг илмий тадиқотлар ҳам чоп этилиши муҳим аҳамият касб этади.

тиёжларига қараб жамоатчилик бошқаруви асосида бирлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юксак маърифатли, билимдон мутахассислар бўлиб етишишлари йўлида қўллаб-қувватлашдан иборат.

Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш йўлида юртимиз ёшларининг хорижлик тенгдошлари билан илмий-маданий ҳамкорлигини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бой тарихимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, улкан иқтисодий ва маданий салоҳиятимиз билан дунё талаба-ёшларини яқиндан таништиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Биз ассоциацияни ташкил этишда барча талаба-ёшларнинг қизиқишлари, хоҳиш ва истаklarини, талаб ва таклифларини кўриб чиқмоқдамиз. Уларнинг муаммоларини атрафлича ўрганиб, ҳал қилиш механизмларини толамиз. Ишонч билан айта оламани, биз, ёшлар бундай имкониятлардан унумли фойдаланамиз.

Мамлакатимиздаги иқтисодий юксалишлар, шарафсизлик, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини, жаҳондаги тенгдошларимиз ўз кўзи билан кўриши учун талабалар туризмни ташкил этиш тарафдориман. Бу борада ҳам Ўзбекистон талабаларининг билим ва салоҳияти етарли, деб ўйлайман.

Бир ҳақиқатни айтмоқчиман. Шу кунгача биз ҳатто бир шаҳардаги олий ўқув юртларидаги янгилликлардан, тенгдошларимиз қандай ютуқларга эришганидан бехабар эдик. Талабалар ассоциацияси мазкур бўлишнинг тўлдиршига ишонаман.

Ёшлар аҳил ва ҳамжиҳат бўлган дунёда барқарорлик ва тинчлик ҳукм суришига ишонаман. Ўзбекистон ёшлар мамлакатини, Президентимиз бизларни бир мақсад йўлида бирлашишга даъват этмоқда. Бу Ватан ва Миллат юксалиши учун ўқиш ва курашиш...

Мамлакатимиздаги иқтисодий юксалишлар, шарафсизлик, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини, жаҳондаги тенгдошларимиз ўз кўзи билан кўриши учун талабалар туризмни ташкил этиш тарафдориман. Бу борада ҳам Ўзбекистон талабаларининг билим ва салоҳияти етарли, деб ўйлайман.

Бир ҳақиқатни айтмоқчиман. Шу кунгача биз ҳатто бир шаҳардаги олий ўқув юртларидаги янгилликлардан, тенгдошларимиз қандай ютуқларга эришганидан бехабар эдик. Талабалар ассоциацияси мазкур бўлишнинг тўлдиршига ишонаман.

Ёшлар аҳил ва ҳамжиҳат бўлган дунёда барқарорлик ва тинчлик ҳукм суришига ишонаман. Ўзбекистон ёшлар мамлакатини, Президентимиз бизларни бир мақсад йўлида бирлашишга даъват этмоқда. Бу Ватан ва Миллат юксалиши учун ўқиш ва курашиш...

— Ўзбекистон талабалар ассоциациясида илмий анжуманлар, мулоқотлар ташкил этишни таклиф этмоқчиман. Халқаро миқёсда талабалар илмий ишларини тарғибот қилиш, тажриба алмашиш, ёшларнинг бир-биридан хабардор бўлиши жуда муҳим, деб ўйлайман.

Талабалар илмий ишларини, ишлаб чиқариш корхоналарига интеграциялаш борасида хорижда катта ишлар қилинган, биз ҳам мамлакатимизда бунга эришишимиз зарур. Хорижда чиқаётган талабалар илмий журналларида, тўпламларида бизнинг илмий тадиқотлар ҳам чоп этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Парламент назорати: НАВОЙЙ ВИЛОЯТИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?



Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирidir. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки аҳоли соғлигини муҳофаза қилмасдан туриб, бошқа соҳа ва тармоқларда олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаб бўлмайди. Фақат соғлом инсонгина жамиятдаги ислохотларга дахлдорлик билан яшайди, яратиш, бунёдкорлик ишларига бош қўшади.

Яқинда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга доир тизимли вазифаларни бажариш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат янги Парламент комиссияси ташкил этилди. Соҳа бўйича белгиланган вазифалар ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга доир чора-тадбирлар режасига мувофиқ бир гуруҳ депутатлар хизмат сафари билан Навоий вилоятига боришди. Хусусан, ўрганишлар вилоятнинг Навоий шаҳри, Қонимех, Навбахор туманларидаги тиббиёт муассасаларида олиб борилди.

Маълум бўлишича, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш муассасалари сони 104 та бўлиб, шундан қишлоқ врачлик пунктлари сони 55 та, қишлоқ оилавий поликлиникалари сони 35 та, шаҳар оилавий поликлиникалари сони 4 та, кўп тармоқли марказий поликлиникалар сони 10 тани ташкил этади.

2020 йилда вилоят соғлиқни сақлаш тизимига давлат бюджетидан 512,4 млрд. сўм маблағ ажратилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 баробарга (2019 йил 9 ойда 274,6 млрд.сўм) ошган. Депутатлар худуддаги тез тиббий хизматнинг бугунги кундаги аҳоли, ҚОПларда беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати билан яқиндан танишди. Санитария-эпидемиология хизмати ҳамда унинг моддий-техник базасини яхшилаш ишлари ҳолати, лабораторияларнинг ишлаши, зарур тиббий воситалар билан жиҳозланиши ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Шунингдек, аҳоли бевосита мулоқот қилинганида соғлиқни сақлаш тизимида масофадан туриб тиббий ёрдамни ташкил этиш, соҳага рақамлаштиришни татбиқ этиш бугунги кунда долзарб масала эканлигини кўрсатди. Айниқса, бугунги пандемия шароитида ушбу тизимни тубдан қайта қўриб чиқиш зарурати юзага келган.

Президентимизнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида белгиланган бўлиганидек, болаларнинг мукамал ривожланиши, турмуш ва ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёллар ва 15 ёшгача болаларни 7 номдаги дори-дармонлар билан бепул таъминлашни самарали ташкиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш зарур.

Бугунги кунда вилоятнинг энг оғриқли нуқтаси — тизимда салоҳиятли кадрларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Айни вақтдаги вакант ўринлар 144 тани ташкил этмоқда. Бу ҳолат асосан Зарафшон шаҳри, Томди, Қонимех ва Нурота туманларида юқори бўлиб қолмоқда. Бу муаммо ечимини эса орта суриб бўлмайди. Ўйламанки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий таълим вазирлиги ҳамкорлигида мазкур масалани ўрганиши, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур. Биринчи ўринда вакант ўринлар нисбатан юқори бўлган жойларни аниқлаб, шу ерда истиқомат қилувчи ёшларга тиббиёт институтига киришда алоҳида квоталар ажратилиш тартиби жорий этилиши ҳам яхши самара беради, деб ҳисоблайман.

Унутмаслик керакки, фуқароларнинг ўз ҳаёт шароитларидан розилигини белгилувчи энг муҳим мезонлардан бири — уларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарадорлигидир. Бунинг учун эса тизим етарли даражада кадрлар билан таъминланиши зарур. Қулай бинолар, замонавий асбоб-ускуналар бор тиббий муассасаларда малакали ходимлар ишламаса, тиббий хизматдан одамларни рози қилиш имконсиз.

Юқоридagi камчиликларга қарамай, вилоятда тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Бунга эса биз бевосита аҳоли вакиллари билан бўлган суҳбатларимизда амин бўлдик.

Вилоятдаги 9 та тез тиббий ёрдам станциялари ва 41 та таянч пунктларининг барчаси жорий таъмирланиб, САЛ-маркази белгиланган жиҳозлар билан бутланган. Барча тез тиббий ёрдам бригадалари етарли даражада тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланган.

Тизим 10 та реанимобиллар ҳамда 10 та тез ёрдам транспортлари билан таъминланиб, махсус транспортлар сони 99 тага, тез ёрдам бригадаларини сони эса 70 тага етказилган. Натижада тез тиббий ёрдамнинг ўз вақтида етиб келиши, етарли бирламчи дори-дармон билан таъминланганлиги ҳам фуқаролар томонидан ижобий баҳоланди.

Шунингдек, шифохоналарда бирламчи дори-дармон билан таъминланиш, тозалик, тиббиёт ходимларининг хушмуомалалиги ҳам беморлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Умуман, вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам қалин қор ёғиб, ҳавонинг совиб кетганига қарамай, аҳолининг кайфияти аъло даражада. Ислохотларга муносабати ҳам ижобий. Чақирувлар вақти қисқариб, қишлоқнинг олис-яқинлигига қараб, тез тиббий машиналари 10-20 минут оралиғида етиб келаётгани барча респондентлар томонидан эътироф этилди.

Ўрганишлар давомида Қонимех тумани марказида жойлашган таъмирталаб қишлоқ оилавий поликлиникасини бу йилги дастурга киритиш зарурлиги вилоят ҳокими томонидан маъқулланди. Пировард натижалар бўйича асосланган тақлифларимизни ишлаб чиқиш, вазифалар ижроси юзасидан Парламент комиссиясига яқуний ахборот киритишни режалаштирдик.

Журналист Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА тайёрлади.

МУРОЖААТНОМА

Аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик

Маърифатли инсонлар ибрати



Ўроп ҲАҶИБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси:

— Президентимизнинг жорий йил 20 январь кунини маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги фикрларни тинглаб, ҳақиқатдан ҳам бугунги ва эртанги кунимиз, ҳаётимиз фаровонлиги учун маънавий масаласи ниҳоятда муҳимлигига яна бир бор амин бўлдим.

“Тарбияда танаффус бўлмайди”, дейди халқимиз. Лекин маънавий-маърифий ишлардаги узвийлик ҳозирча бундай эмас. Бугунги кунда мактаб, боғча, олий таълим ҳамда маҳаллалар бу борада алоҳида-алоҳида иш олиб бораётгани бор ҳақиқат.

Шунинг учун ҳам мактаб, ўрта-махсус ва олий таълим даргоҳларида маънавий-маърифий ишларнинг мутлоқ янги тизимини ишлаб чиқиш, самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор кўрсатмалар берилди.

Бугун, фарзандларимизни билимли, фақилатли, маънавий-маърифий ишларнинг мутлоқ янги тизимини ишлаб чиқиш, самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор кўрсатмалар берилди.

Уйлаб кўрсак, маҳалла, деб аталмиш гўшада илқилик, меҳр бор. Маҳалланинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир оилда янги туғилган чақалоққа гувоҳнома олиш, ёш оила-

ларни бошини қовуштириш учун ҳам маҳаллага бориблар эди.

Ўзим шахсан гувоҳи бўлганман, мен туғилиб ўсган жой ҳам оддий қишлоқ, “раис бобо келаяпти”, деса, биз унинг олдига чиқишга ийманганмиз. Бу маҳалла раислари хурматга сазовор инсонлар бўлганлигидан далолат беради. Бир эслаб кўрайлик, бир вақтлар қишлоқларимизда тўй-маъракалар бўладиган бўлса, раис бобомизнинг розилиги, иштирокисиз ўтказилмас эди. Қайсидир хонадонда ҳашар бўладиган бўлса ҳам раис бобомизнинг олдида бориблар эди, “ҳамма ҳашарга” дейилса, бир оиланинг мушқули осон бўларди.

Қўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликлар, оила муаммолари, қўйинки, қўллаб катта-кичик масалалар маҳалла таъсири билан ечим топарди.

Маънавият, маданият нуқтаи-назаридан охириги пайтларда маҳалладан узоклашиб кет-маяпмизми, деган савол ҳақида чуқур ўйлаб кўришимиз керак.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. “Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳимий” тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлиларни бириктириш тақлиф этилди. Бу механизмни амалга ошириш учун ҳар биримиз маҳалламизда фаол иштирок этишимиз зарур. Масъуллар ўзи билан овора бўлиб, қолганлар ўзини четга тортса, маҳаллада маънавий муҳит яхшиланиши қийин бўлади.

Бунинг учун зарур инфратузилма яратилиши назарда тутилмоқда. Худудларнинг марказларида намунавий лойиҳалар асосида маънавият ва маърифат макталарини барпо этиш, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан соҳага қўшимча шtatлар ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Худудларда маънавий-маърифий ишлар фаолияти самарадорлигини ошириш, адабиёт ва китобхонлиқни ривожлантириш мақсадида “Ижод” жамоат фонди негизида Маънавият ва Ижоди қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилиши қайд этилди.

Маънавий муҳит яхшиланиши учун, ўйлайманки, маҳаллалардаги маърифатли инсонлар ва намунали оилаларни бошқаларга ўрнатиб, маҳалла кўрсатиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишимиз зарур.

Телемедицина нима ўзи, унинг имкониятлари нимада?



Муқаддас ҲОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентнинг Олий Мажлиси ва халқимизга Мурожаатномасида тиббиёт соҳасини ислоҳ этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, соҳада рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади, барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари кўрилади.

Шунингдек, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайтирилади.

Хўш, телемедицина нима беради? Республика марказидаги малакали шифокорлар ва дунё тиббиёт муассасаларидаги мутахассислар билан реал вақт оралайди боғланиб, онлайн қўриқдан ўтиш, терапевтик даво маслаҳатларини олиш имконини беради. Яъни, бемор билан шифокор ўртасидаги масофа

аҳамиятли бўлмайди.

Республика илмий-амалий тиббиёт марказларининг худудлардаги филиаллари билан телемедицина тизими орқали онлайн маслаҳатлаштириш йўлга қўйилиши ҳам мумкин бўлади. Ташхис бамаслаҳат қўйилса, беморни тўғри ва самарали даволаш имконияти ошади. Натижада беморлар тезроқ соғлом ҳаётга қайтади.

Аҳолининг катта қисми ихтисослашган шифохоналарда даволанишга молиявий имконият тополмайди. Телемедицина тизимида онлайн маслаҳатлаштириш йўлга қўйилиши натижасида етук шифокорлар, профессорлар билан онлайн мулоқотда бўлишга шaroит яратилади. Бу ҳам беморнинг, ҳам мутахассис-шифокорларнинг вақтини, шу билан бирга, маблагни тежашга хизмат қилади.

Шу жиҳатдан қараганда, пандемия даврида тиббиёт бир поғона юқорига қўтарилди, десак бўлади. Бу борадаги тажрибани, амалий кўникмаларни янада ривожлантириш бўйича соғлиқни сақлаш тизимида аниқ стратегия ишлаб чиқишли зарур, деб ўйлайман. Қайси худудда, қайси туман-шаҳарда, қайси муассасаларда қайси йўналишлар бўйича қачондан онлайн маслаҳатлар ўтказилиши ҳақида режими белгиланган бўлиши зарур, бу ҳақда сайловчиларнинг хабардорлик даражасини ўрганиб боришимиз зарур. Чунки тиббий хизматнинг бу йўналиши ривожланишини унчалик истамайдиган мутасаддилар ҳам чиқиб қолиши мумкин.

Инновацион телемедицина изчил йўлга қўйилса, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши кенгайди, олис худудларда яшовчи фуқароларимизнинг илгор тиббий хизматлардан баҳраманд бўлишига хизмат қилади.

10 йилдан буён бир сиёсий партия

ёхуд депутат бормаган ташкилотда учрашув ташкил этилди



Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси:

— “Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” гоёси асосида Ўзбекистон ХДП Яққасарой туман кенгаши ташаббуси билан республика Пахтасаноат илмий марказида давра суҳбати ўтказилди.

Дастлаб, Президентимизнинг Олий Мажлиси ва халққа Мурожаатномаси хусусида атрофлича сўз юритилди. Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши томонидан қилинган ишлар ва режалар ҳамда Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил фикр юритилди.

Эътиборимни тортган жиҳат, муассаса ходимлари қарийб 10 йилдан буён уларнинг ташкилотига бирон-бир сиёсий партия ташкилоти вакили, Олий Мажлис депутати туғул туман депутати ҳам келмаганлигини айтишди.

ХДП бугун биринчилардан бўлиб депутатларнинг фаол иштирокида мазкур тадбирни ташкил этиб, сиёсий ислохотлардан хабардор қилгани учун миннатдорчилик билдиришди. Бундан буён ХДП билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйишни муассаса раҳбарияти алоҳида таъкидлади.

Яққасарой туман партия ташкилоти худуддаги корхона, ташкилот муассасалар билан манзилли равишда мустаҳкам алоқа ўрнатишни мақсад қилиб, уни амалга ошираётгани қувонарли афбатта. Сабаби, бу аввало, аҳолининг сиёсий, маънавий-маърифий саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш орқали ХДП сафдошлари сафи кенгайиши, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда кенг иштирокини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Яна бир муҳим томони, депутатлар билан аҳоли ўртасида фаол алоқа ўрнатилади, янги иқтидорлар кашф этиш орқали партияда салоҳиятли шекплер ва кадрлар захираси шаклланиб боради.

Фикр-мулоҳазалардан кейин қизгин савол ва жавоблар бўлиб ўтди. Жамоанинг фаол ходимларига ташаккурнома ва партия сафига қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Тадбирдан сўнг ходимларнинг қўздан ушбу давра суҳбатидан хурсанд бўлганлигини кўриш мумкин эди. Фиркимча, мазкур ҳолат учрашувдан қўзланган мақсадга эришилганидан далолат. Партияимизнинг барча худудий ташкилотлари шу тартибда иш тизимини йўлга қўйса, самарали на-тижаларга эришилиши шубҳасиз.

ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ИМКОНИЯТЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

Миллий қонунчилик ютуғи, дея таъриф берилаётган «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганга 3 ой бўлди ва у 16 январдан бошлаб кучга кирди. Хўш, эндиликда ногиронлиги бўлган инсонлар ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлади, бугунги кунда уларни яна қандай масалалар ўйлантириш керак. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси раиси Ойбек Исоқов билан бугунги суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.



— Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ўз фаолиятини бошлаганига яқинда уч йил тўлади. Шу мuddат мобайнида ассоциация нима қилишга улгурди?

— 2018 йилнинг февраль ойидан Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ўз фаолиятини бошлади. Шу вақтдан буён кўпгина ишларни қилишга уриндик ва ўзимиз кутган натижага эришдик, деб ўйлайман.

Ассоциация фаолияти ҳақида гапиришдан олдин, унинг асосий вазифалари хусусида тўхталиб ўтсам. Аввало, ассоциация ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклиқни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, ногиронлиги бўлган инсонларни иш фаолияти ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган давлат сиёсатининг такомиллаштирилишига доир тақлифларни илгари суради. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига, ҳаёт тарзини энгиллатишга кўмаклашади. Соҳага тегишли қонунлар, меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқади, ижросини мониторинг қилади. Яна бир муҳим жиҳат. Ногиронларнинг ҳаёти, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари борасида жамоатчилик фикрини шакллантиришга ҳаракат қилади ва бунда ОАВга суянади.

Баждарилган ишларга келадиган бўлсак,

дастлаб ассоциация ташкил этилганда 22 та турли ногиронлар ташкилоти аъзоликка қабул қилинган бўлса, бугунга келиб уларнинг сонини 6 тага ортди. Шу билан бирга 8 виллоятда ўз бўлимлиларимизни очнишга эришдик. Энг катта ютуқларимиздан бири — Утган йилнинг октябрь ойида «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бўлди, деб ўйлайман. Шунингдек, ногиронлар ташкилотлари қoшида очилган корхоналар махсулотларини давлат квотаси асосида харид қилиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ҳам ишлаб чиқдик.

Учрашувларда, давра суҳбатларида масъуллар билан учрашганда кўп таъкидланади бир масала бор. Ногиронлиги бўлган ҳайдовчиларнинг машина тўхташ жойларида ўз автоуловларини жойлаштиришда қийналишарди. Эътибор берган бўлсангиз, баъзи дўкон, маркетлар олдида тўхташ мумкин эмас белгиси қўйилган бўлади. Мазкур вазиятда ногиронлар машинасини узоқ масофага жойлаб, харид учун яёв масофа босишга имкони бўлмайди. Бу ҳам ноқулайлик туғдираётган эди. Мана шу масалалар юзасидан ҳам ассоциация ўз тақлифини берди. Қувонарлиси, ижобий натижага эришилди. Тегишли ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди. Айни вақтда ҳар бир машина турароҳларида 10 фoиз жой ногиронлиги бўлган ҳайдовчиларнинг машиналари учун ажратилган ва мутлоқ текин хизмат кўрсатилади.

Бундан ташқари, кўллаб мониторинг ишларини олиб бордик. Хусусан, Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган талабаларга яратилган шарт-шaroитларни ўргандик.

Биз шарoит, деганда фақат пандусларни тушуниб қолаётгандекмиз. Инсонлар ногиронлик белгисига кўра, турлича имкониятларга эҳтиёж сезади. Кўзи оқизлар учун махсус йўлакчалар яратилиши, карсоқовлар учун эса таблолар ўрнатилиши лoзим. 4 қаватли бинонинг асосий кириш қисмида пандус ўрнатилган, бироқ лифт йўқ. Унда пандус ўрнатилганидан нима маъно? Қонунга кўра, мулкчилик туридан қатъи назар ҳар қандай жой ногиронларга

мослаштирилиши керак, акс ҳолда жарима ҳам белгиланган. Бироқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг статистикасига кўра, 0,01 фoиз ташкилот жаримага тортилган. Бу рақамнинг ўзи ишга муносабатни кўрсатиб турибди. Ўрганишларимиздан келиб чиқиб айта оламани, Тошкент шаҳрида 10 фoиз бино мослаштирилган. Шундан 7 фoизи чет эллик ташкилотлар қурган бинолар, хулоса ўзингиздан.

Ер усти метроси қурилди, барча қувонди. Президентимиздан сўнг биз бориб, метронинг ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилганини ўргандик. Янги 7 бекатдан 2 тасида ногиронлиги бўлган шахслар учун шарoит яратилганини кўрдик. Тегишли ташкилотларга билдиришомна қиритдик ва камчиликлар бартараф этилди.

— Ногиронлиги бўлган шахсларни уй, иш билан таъминлаш масаласи бугунги кунда қай ҳoлатда? Бу борада ҳам ассоциация ташаббус кўрсатяптими?

— Инсон бошида бошпанаси бўлса, эртанги кунига ишончи мустаҳкамланади. Фарзандлари келажаги учун қайғурди, жамиятда ўз ўрнини топишга, мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Муҳими, ҳаётидан рози бўлиб умр кечиради. Айтиш кераки, ногиронлиги бўлган шахсларга яратиб берилаётган имкониятлар қаторида уларнинг ижтимоий уй билан таъминланиши ҳам айни мuddада бўлди. Утган вақт давомида уя ярим мингдан ортқ ногирон уйи бўлди. Фақат уй давлат ҳисобида туради, коммунал тўловлар амалга оширилиб турилса, бас.

Бандлик масаласига келадиган бўлсак, ҳал этилиши лoзим бўлган масалалар кўп. Аввало, шуни айтиш лoзимки, 700 мингдан ортқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсия, ҳайрия пуллари билан қорнини тўйиниб, бахтли қилиб бўлмайди. Аслида ҳам улар бунини сўрашмайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев меҳнат масаласига бағишлаб ўтказган селекторлардан бирида 80 фoиз ногиронлар ишга лаёқатли эканини билдириб, уларга шарт-шaroитлар яратиб бериш кераклигини айтганди. Ҳақиқатдан ҳам ногиронлиги бўлган инсонларга ишлаши, ўз эҳтиёжларини ўзи қондириши учун имкон бериш керак, деб ўйлайман. Бунинг учун эса дастлаб қонунчиликда белгиланган нормалар ижросини кучли назорат қилиш лoзим.

Биргина мисол. Қонунчиликда ташкилот, корхоналарда ногиронлиги бўлган шахслар учун 3 фoизлик квoта ажратилган бўлиши керак. Акс ҳолда фирма раҳбари жаримага тортилиши мумкин. Бироқ ўтган йил давомида бундай жаримага тортилган ташкилотлар деярли бўлмаган. Бунинг на-

зорати Бандлик ва меҳнат вазирлиги томонидан амалга оширилиши керак. Ўзингизга маълум, қанча ишхоналар бор, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олишни истамай, турли баҳоналарни рўқна қилаётган. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг 2 фoиз бандлиги таъминлангани бу масалада муаммо кўпчилигини қўрсатади.

Ўйлайманки, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида бўш иш ўринлари рўйхати шакллантирилиши лoзим. Ногиронлиги бўлган шахсларга мурожаат қилганида иш бeрувчи асосиз баҳона қиладиган бўлса, жаримага тортилиш шарт.

Яна бир тақлифим бор. Ногиронлик масалалари бўйича алоҳида кўмита ёки агентлик ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди ҳамда кўп масалалар ечими орта сурилмасди. Фаолиятим давомида 20 дан ортқ давлатда бўлиб, уларнинг тажрибасини ўрганганман. Уларда ижтимоий ҳимоя ва оила вазирликлари бор. Яқинда ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идораларо кенгаш ташкил этилиши бўйича ҳужжат лойиҳаси regulation. ишга жойлаштиради. Лекин унга 99 фoиз давлат ташкилотлари ва битта ногиронлар жамияти қўшилган. Бу ҳам мантқиқ тўғри келмайди, деб ўйлайман. Ногиронлик масаласи турган жойда, албатта ногиронлик ташкилотлари ҳеч бўлмаганда 50 фoизни ташкил этиши керак эмасми?

— Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасига кўллаб тақлифлар бергани ва уларнинг 60 фoизи қонунчиликда акс этганини айтдингиз, шу тақлифларнинг эъ муҳимларига тўхталиб ўтсангиз.

— Аввало, бу қонуннинг қабул қилинганидан жуда хурсандимиз. Ногиронлик ҳуқуқи масаласи илк бор инсон ҳуқуқи сифатида қўрилганлиги мамнунимиз. Олдинлари бунга асосан тиббий жиҳатдан қаралган.

Шунингдек, ногиронларни қандай атайлик, деган баҳслар бўлди ва қонунчиликка ногиронлиги бўлган шахслар атамаси киритилди. Уруғ шахсга берилди. Асосийси, ногиронлик белгиси бўйича ҳар қандай камситиш таъқиқланди. Давлат органлари бунинг учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириши белгиланди. Шу билан бирга давлат камситилишининг барча шаклларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлади.

Олдинлари қурилмиш лойиҳаси тайёр бўлиб, тегишли комиссиядан ўтган, ногиронлар жамиятидан ҳам қозилиб оlish учун келинарди. Унда ҳам ронини хурмат қилди-

ган аксарият ташкилотларгина бунини амалга оширарди. Эндиликда эса қурилиш ҳамда реконструкция қилинаётган объектларни фойдаланишга қабул қилишда ногиронлиги бўлган шахслар жамоат бирлашмалари вакиллари сифатида давлат қабул комиссияси таркибига киритиладиган бўлди.

Шахсан ўзим билдирган ногиронларнинг спорт билан шуғулланиши борасидаги тақлифим ҳам инабатга олинганидан хурсандман. Эндиликда Спорт қўмитаси ҳар йили ногиронлар ташкилотлари билан бирга уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш бўйича дастур ишлаб чиқади.

Яна бир янгилик. Қонуннинг 30-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий интеграциясига имкон бeрувчи тимсолини ҳақданлантириш йўналишидаги ОАВлар рағбатлантирилиши белгиланди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижобий тимсолини яратишга қаратилган ижтимоий реклама ахборотини, мақолаларни тайёрлаш ва ОАВда ёритилиши бўйича давлат буюртмаси амалга оширилади.

Биз киритган бир қанча тақлифлар бошқа қонунларда акс этгани боис рад этилди. Бироқ улар ҳам жуда муҳим, деб ўйлайман. Масалан, статистика бўйича алоҳида банд қилинса яхши бўларди. Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ёши, гуруҳи, яшаш худуди ва жинси билан боғлиқ маълумотларини статистикада ўз аксини топган холос. Қвoта асосида ишга жойлаштириш, ўқишга кириши, спорт билан шуғулланиши ҳамда бошқа маълумотлар йўқ. Давлат дастурига ногиронларга тегишли бандларни киритиш учун, энг аввало, уларга нима кераклигини билиш ва шунга қараб тақлиф киритиш лoзим бўлади. Тақлиф асоси бўлиши учун эса қўлимизда маълумот бўлиши шарт.

Ногирон фарзанди бор оналар учун нафақа тайинлаш масаласини ҳам кўрарандик. Улар мамлакатимизнинг бу фарқдорига гамаҳўрлик қилаяпти, ўқитаяпти, боқаяпти. Масаланинг яна бир томони, улар маҳаллага моддий ёрдам сўраб бoришса, даромад ичига боланинг пенсиясини қўшишяпти. Бу даромад эмас, компенсация. Ундан солиқ олинмайди. Маҳалла эса уни даромадга қўшяпти.

— Давлат идоралари билан ассоциация ўртасидаги ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган? Масъуллар ногиронлар масаласига етарли эътибор бeришяпти, деб ўйлайсизми?

— Ижтимоий шериклик тўғрисида қонун бор. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлари қандай тартибда ишлаши бел-

гиланган ва биз фаолиятимизни шунга мос тарзда амалга оширмақдамиз. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорлик ўз самарасини бeриаяпти. Ногиронлиқни белгилаш бўйича халқроқ стандартларга ўтиш режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур олий таълим раҳбарияти қўздан келганча, ногиронлиги бўлган талабаларга алоҳида шарoит яратиб бeрмоқда.

Ўзбекистон туризм қўмитаси билан ҳам қатор лойиҳаларга кўл урганмиз. Биласиз, сайёҳларнинг асосий қисми кексалар. Ногиронларга яратилган шарoит кекса инсоннинг эҳтиёжи учун ҳам мос кeлади. Утган йили Тошкентдан Самарқандга бўлган масофада жойлашган барча оқватланмиш масканларида замонавий ҳожатхоналар қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Албатта, бунда ногиронлиги бўлган шахслар имконияти ҳам ҳисобга олинган бўлди. Мазкур талаб амалга ошмаган тақдирда кафеларнинг лицензияси олиб қўйилган бўлди. Лойиҳа амалга ошди ва сайёҳлар бундан мамнун бўлди. Шунингдек, вазирлик қoшидаги фонд билан бирга Регистон майдонини ҳамда Исом Каримов музейи шарoити ногиронларга мослаштирилди, сурдо таржумон фаолияти йўлга қўйилди.

Сўзим аввалида виллоятларда ассоциация бўлимлиари ўз фаолиятини бошлаганини билдиргандим. Улар аста-секинлик билан оёққа тураяпти. Виллоят ҳoқимлари бунга яқиндан кўмаклашаётганидан мамнунимиз. Шунингдек, ОАВдан ҳам миннатдоримиз. Айниқса, пандемия шарoитида ногиронлиги бўлган инсонларга кўп маълумотларни тизимли равишда етказиб туришди.

Албатта, безътиборлик билан қаралган ҳoлатлар ҳам бўлди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига «Шаҳар барча учун» лойиҳасини киритдик. Унда пойтахтдаги ижтимоий ҳамда дам олиш объектлари ногиронларга мослаштирилиши кераклиги белгиланган. Шунингдек, микроавтобуслар олиб келиниб, хиебон, эътиборга сазовор жойларга сeҳахат уюштириш кўзланган бор. Лойиҳа амалга ошса, сайёҳлар оқими ҳам қўлайиши мумкин бўларди. Бироқ Тошкент шаҳар Кенгаши 4 марта лойиҳани рад этди. Қизиқ томони, лойиҳани қўмиталар маъқуллаган, аймо умумий овоз бeришга келганда, ҳеч қайси депутат кўл қўтарамаган. Майли, бугун бўлмаса, эртага бу лойиҳа қабул қилинишига ишонаман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Маҳлиё АЛИҚУНОВА суҳбатлашди.

МУРОЖААТНОМА

Сўнги йилларда республикада юз берган табиий ва техноген офатлар, куз-қиш мавсумида содир бўлаётган ёнгин ва бошқа кўплаб нохуш ҳолатлар бу боладаги мавжуд тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

ДОВОНДАГИ ХАЛОСКОРЛАР

“Қамчиқ” махсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармаси ташкил этилганига 20 йил бўлди. Бошқарма кутқарувчилари томонидан юзлаб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинди

Йўл ва кўприк қуриш савоб амаллардандир. Ундан шох ҳам, гадо ҳам бирдек фойдаланади. Йўл ёки кўприкдан ўтган мусофирлар отанга раҳмат, деса, шунинг ўзи кифоя. Уларнинг дуоси ижобат бўлмай қолмайди. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам бундай савоб ишларнинг бошида тургани тарихдан маълум.

Алишер Навоий бобомиз ҳам бош вазир лавозимида ишлаган чоғларида айнан йўл ва кўприк қуриш ишларига катта аҳамият берганлар. Эҳтимол, асарларидаги қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларида ҳам бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, қаҳрамонлик сифатлари улуғланишининг боиси ҳам шундадир.

Мустақиллик йилларида ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилапти, миллий қадриятларимизга хос уйғунлик касб этган, ҳар томонлама замонавий иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Айниқса, йўл ва кўприк қурилиши борасида ўзбекистонлик қурувчилар ўзига хос мактаб яратди, десак муболага бўлмас. Мамлакатимиз иқтисодий тараққитининг юксалишини автомобиль йўлларисиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, “Буёқ ипак йўли”нинг асосий қисми ҳисобланган “Қамчиқ” домини орқали ўтадиган А – 373 ва “М-39 Гулистон – Бўка – Ангрэн – Қўқон – Анджион – Ўш” халқаро автомобиль йўли республикамизни хорж мамлакатлари билан боғлайди. Бу йўллар муҳим сиёсий-иқтисодий аҳамиятга эга.

“Қамчиқ” домини автомобиль йўли учна баланд бўлмас-да, (дегнги сатҳдан 2050 метр) Марказий Осиё давлатлари ичида энг узунларидан бири саналади. Бу йўлдан республикамиз аҳолиси зич жойлашган Фарғона vodiysининг учта вилояти аҳолисида ташқари, хоржидан келган йўловчи-сайёҳларга ҳам хизмат қилади. Айниқса, қўшни Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари аҳолиси, хитойлик меҳмонлар учун ҳам энг қисқа ва қўлай бўлган тоғ йўли ҳисобланади. Довон йўлининг қишу ёзин серқатновлиги ҳам шундан.

Қиш мавсумининг инжиқликлари ўзига яраша. “Қамчиқ” доминида қалин қор ёғиши, йўлларнинг музлаши, туман тушуши, қор кўчиляри рўй бериши ва бошқа табиий офатлари унутмаслик керак. Айни пайтда қор ёғиб, совуқ кунлар бошланган, автомагистраль йўналиши бўлиб, бир кеча-кундузда ўн беш мингдан йигирма икки мингга яқин турли русумдаги транспорт воситаларининг қатнови кузатилмоқда. Ёзги мавсумда бу ракам янада қўлайиши табиий ҳол, ҳозир қиш мавсуми бўлса-да, турнақор тепловларнинг кети узишмайди.

Кези келганда “Қамчиқ” домини автомобиль йўлида қурилган икки туннелнинг аҳамияти ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтшни истардим. Бундан йигирма бир йил илгари (2000 йил) фойдаланишга топширилган бу улкан иншоот (туннел) ишга тушган, хавфхатарининг анча узоқлашиши баробарида масофа ҳам қисқарди. Табиийки, туннел қазиши лойҳалаш жараёнида ана шу хавфсизлик масалалари ҳисобга олинган бўлса ажаб эмас. Бу шубҳасиз, ҳукуматимизнинг аҳолини муҳофиза қилиш масаласига катта аҳамият бераётганидан далолатдир.

Эсингизда бўлса, 1999 йилнинг 21 ноябрда рўй берган қор кўчиси натижасида 29 киши қор уюмлари остида қолиб, ҳаётдан қўз юмганди. Иншоот ҳали битмаган, қурилиш жадвал сўраётган пайтда катта ҳақида кўчки рўй бериб, оғир қор массаси бир неча машинани паства томон суриб юборганди. Мажақланган автомобилларнинг асқарияти янги қурилаётган туннелнинг дарвозаси олдида қўлаб тушганди.

Ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиши, фавқулодда вазиятларда ёрдам бериши янада яхшилаш, кутқарув хизмати самарадорлигини ошириш мақсадига довоининг энг баланд қисми (автомобиль йўлининг 240 км.) да аввал “Қамчиқ” қидирув-қутқарув отряди, кейин 2016 йилдан ҳукуматимиз қарорига асосан “Қамчиқ” махсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармаси ташкил этилган эди. Мана, йигирма йилдан ошдики, техноген авариялардан ташқари, ер ва қор кўчки ҳодисалари ҳам бир неча бор кузатилган бўлса-да, у қадар йирик ҳалокатларга йўл қўйилмади.

Довондаги доворак кутқарувчилар вақти-вақти билан кўмондонлик-штаб ҳамда махсус-тактик тайёргарлик ўқув машғулотларида фаол иштирок этиб, ўзларининг маҳоратларини амалда синая қўймоқдалар. Маъш шартига қўра, зудлик билан воқеа жойига етиб келган кутқарув гуруҳи қор кўчиси босиб қолиши натижасида машина ичида қолиб, жароҳат олган йўловчиларга биринчи



навбатда кутқарув хизмати кўрсатиш ва зудлик билан “тез ёрдам” машиналарига жойлаштириб, яқин атрофда жойлашган тиббиёт масканларига жўнатиш амаллари бажарилади.

Бундай хавфсизлик тадбирларини бот-бот ўтказиб туришдан асосий мақсад, катта автомагистраль йўналиши бўйлаб қатнаётган ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлиги ҳамда саломатлигини муҳофиза қилиш, йўл-транспорт қатновини янада яхшилаш чора-тадбирларини кўриши, шу билан бирга табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиши, унинг зарарли оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, жабрланганларга шовилинч тез тиббий ёрдам кўрсатишдир. Албатта, ҳаракат хавфсизлиги ва кутқарув ишларини ҳамкорликсиз амалга ошириш қийин. Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган ҳамкорликда ҳаракат қилиш режасига асосан Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзгидромет” бошқармаси, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати ва бошқа муассасалар идораларнинг ходимлари биргаликда ишлашмоқда.

Маълумки, ўтган 2005 йилнинг февраль ойи бошлари, 2006 йилнинг январь ойи охиридаги ёнгингарчилик миқдори меъёридан ортик бўлиб, доvon йўли бир мўддат қор билан тўсилиб қолган эди. Йўлни қисқа мўддат ичида қорлардан тозалаб, транспорт қатновини йўлга қўйишда биз қорюқорида санаб ўтган Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиши ва ҳаракат қилиш давлат тизими тарихига кирувчи вазирилик ва идораларнинг ҳамкорликдаги хизматлари катта бўлган.

Уз навбатда “Ўзгидромет” хизматининг фаолияти ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Ҳолбуки, “Қамчиқ” доминидаги қор кўчиси кузатиш станцияси томонидан тоз-хаво маълумотларининг ўз вақтида бериб турилиши ҳам рўй бериши эҳтимоли мавжуд бўлган хавфдан огоҳ этиш ва хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини олдиндан кўриб қўйиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизматининг фаолияти ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Мутахассислар қор ёки ер кўчиси қачон ва қай тарзда рўй бериши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудудларни олдиндан баҳорат қилиб, тезкор ахборот орқали бундай ҳодисалардан кутқарувчиларимизни воқиф этиб туришди. Бу шубҳасиз, халоскорларимиз ишининг сифати ва самарасига ҳисса қўшиши қўлайди.

“Қамчиқ” махсус қидирув-ёнгин кутқарув бошқармасининг доvonдаги кутқарувчи йигитлари ҳақида мақола ёзиш истайдиган “халоскорлар маскани” томон йўл олдики. Бир кеча улар ҳузурида тунаб “тоғлиқ” нажоткорларнинг иш фаолияти билан танишдик.

Кутқарувчилар ҳар кун эрталаб соат 6:00да жисмоний тайёргарликдан бошлаб, касбий, махсус ва жанговар тайёргарлик бўйича ўз маҳоратларини ошириш, транспорт воситаларининг барқарор ҳаракатини таъминлаш, чин маънода аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш ишлари билан кунни тунга, тунни кунга улаб мудом хизматда шай турадилар.

Довон бўйлаб бугунги кунда 15 та механизациялашган назорат постлари ташкил этилган бўлиб, уларда кутқарувчилар билан бирга ИИБ ЙХХБ, соғлиқни сақлаш ва автйўл ходимлари томонидан кечаю кундуз навбатчилик олиб боришмоқда. Қишининг аёли-совуқ кун-

ларида йўловчиларга бошпана бериш, ҳаёт фаолиятини таъминлаш ҳамда фуқаро муҳофазаси тадбирларини ўз вақтида, самарали ташкил этиш Тошкент ва Наманган вилояти ҳокимликлари, тегишли идоралар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мувофиқлаштирилади.

Эътироф этмоқ жоизки, бу ерда анча ўзгаришлар, яъни ўтган йиллар мобайнида содир бўлиши мумкин бўлган офатларнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш шахсий тарихининг касбий, махсус ва жисмоний тайёргарлик ҳамда маънавий-маърифий тайёргарлик натижасида авария-қутқарув ва қидирув-қутқарув ишларини ташкил этиш, жанговар шайлиқни ошириш бўйича муайян ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўлдики.

Шу давр ичида, “Қамчиқ” доминида ҳамкорликда ҳаракат қилувчи навбатчи хизматлар билан бир неча мартаба ўқув машғулотлари бўлиб ўтгани, айниқса, Мудофаа вазирлигининг бирлашган штаби томонидан Шарқий ҳарбий округ билан ўтказилган ўқув машғулотларида мазкур бошқарма ҳарбий хизматчилари фаол қатнашди. “Тоғ шароитида кутқарув ишларини олиб бориш” мавзусида кўргазмали машғулотда бошқарма кутқарувчиларининг касбий маҳорати маъқулуз қўзғатишлари ва Мудофаа вазирлиги бирлашган штаби кўмондонлиги томонидан юксак баҳолангани бизни куттириди.

Айни пайтда “Қамчиқ” махсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармасининг 50 фойсидан ортигини ёш кутқарувчилар ташкил қилади. Бу ерда иш уч смена-да ташкил этилган. Кунончи жиҳати шундаки, доvonни энг юқори қисмида бошқарма шахсий тарихи учун барча қўлайликларга эга бўлган замонавий бинолар қурилган бўлиб, бу ерда қишу ёз спорт билан шўғулланиш, тоғ шароитида кутқарув ишларини олиб бориш бўйича машғулотлар ўтказиш учун барча имкониятлар бор. Ягона навбатчи диспетчерлик хизмати, кутқарувчилар учун ётоқ жойлари, касбий тайёргарлик, маънавий ва маърифат хоналари, ювенил жойлари замонавий архитектура талабларига жавоб беради. “Қамчиқ” навбатчилик масканларининг ҳаммасида кутубхона мавжуд. Яқин кунларда электрон кутубхона ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Илгари Марказий Осиё республикалари ичида биринчи бўлиб Россия Федерациясидан 6 та замонавий авария-қутқарув машинаси сотиб олинган эди. Шулардан иккитаси «Қамчиқ» домини кутқарувчиларига ажратилди. Ун олти тонналик қудратли «КамАЗ» русумли машинага турли кутқарув асбоб-ускуналари – симли арқондан тортиб, нарвонгача тартиб билан жойлаштирилган. Булар ер қимирлаши рўй берганда, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида авариялар содир бўлганда ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларни бартараф этишда жуда қўл келади. Авария-қутқарув машинасининг ана бир афзаллик томони шундаки, тезлик ричагини қўшганда барча гилдираклар бартараф ҳаракатга келади ва ҳар қандай машина юрлмайдиган нуктага бориш имкониятига эга бўлади. Ҳозирги кунда нажоткорлар ўзимизда ишлаб чиқарилган ихчам, замонавий кутқарув машиналари билан тўлиқ таъминланган. Бундан ташқари, республикада 2 дон «ТРЭКОЛ» б6б йўлтанламас (сув, ботқоқлик, қор, кумда ҳаракатланишга мўлжалланган) техника воситаси олинган бўлиб, шундан биттаси ҳозир “Қамчиқ”да.

Фалокат оёқ остида, дейдилар. Бирор ҳодиса ҳақида маълумот тушган

заҳоти хизматга шай халоскорлар саноқли дақиқалар ичида кутқарув воситалари билан жиҳозланган машиналарга ўтириб, воқеа жойида ҳозир нозир бўлишади. Бундай пайтларда ҳар бир дақиқа ғанимат. Ҳар бир қилинган эғчил ва тўғри ҳаракат ўзининг самарасини бермай қолмайди.

Кутилмаган воқеалар содир бўлганда халоскорлар ҳамisha хизматга шай. Биринчи кўнгироқдаёқ зудлик билан кутқарув, қидирув-қутқарув ва Радиацион, кимёвий биологик (бактериологик) муҳофиза гуруҳлари, йўриқчи-қутқарувчилар, ёнгин кутқарувчилар, кимё разведкачилар, кутқарувчи-ҳайдовчи, кутқарувчи малака ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олишган.

Фавқулодда вазиятлар вазирилик томонидан тасдиқланган режага асосан, ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида 57 нафар, Республика тез тиббий ёрдам марказида 5 нафар кутқарувчилар махсус тайёргарликдан ўтиб сертификат олган бўлса, 2 нафар кинолог эса республика кинология марказида махсус курслари ўтаб қайтдилар.

Шу ўринда, хоржий тажрибани ўрганиш ва ўзимизда тизимли ва самарали қўллаш борасида Беларусь Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси университетидан подполковник Муроджон Дархоннов, лейтенант Абдуаманнож Комиллов, сержант Муроджон Байчаев, кутқарувчи Умар Халиповлар малака ошириш курсларида, кичик сержант Мирқаримов Мирабдулла ҳамда хизматчи-қутқарувчи Умар Халиповлар мусобақада қатнашиб, ўз билим ва тажрибаларини ошириб келишганини таъкидлаш жоиз. Кутқарувчилар халқаро мусобақаларда ҳам иштирок этиб келмоқда. Қозғистон Республикасида бўлиб ўтган “Казпас-2018” кутқарувчилар мусобақасида кичик сержант Ҳасан Раҳов, хизматчи Умар Халипов иштирок этиб, Ўзбекистон ФВВ терма жамоаси бўйича фахрли урирларни эгалашди.

– Ходимларимиз 2020 йилда 600 дан ортик кутқарув жараёнларида қатнашиб, жумладан, 350 марта йўл-транспорт ҳодисалари ва фавқулодда вазиятлар бўйича қақирувларга чиқиб, халоскорлик ишларини олиб боришди. Бунда асосан кўмондонлик-штаб ҳамда махсус-тактик машқлар жараёнида орттирилган малака ва чиникии қўл келди, – дейди “Қамчиқ” махсус қидирув-ёнгин кутқарув бошқармаси бошлиғи, полковник Ҳасан Бобонов биз билан суҳбатда. – Кутқарувчиларимизнинг тезкор саъй-ҳаракатлари натижасида ўтган йил мобайнида фавқулодда вазият ва экстремал шароитларга тушиб қолган 270 нафардан ортик одамнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Турли даражада жароҳатланган 103 нафар кишига шовилинч тиббий ёрдам кўрсатилди. Миллионлаб иншоот моддий бойлиқлар асраб қолинди. Тоғлар, суз ҳавзалари, “Қамчиқ” доvonдаги тезкор вазият ҳамisha бизнинг диққат марказимизда.

Бундай тезкорлик ва маҳоратга ўз-ўзидан эришилмайди, албатта. Бунинг учун тинимсиз машқ қилиш, турли-туман табиий тўсиқлардан ошиб ўтиб, ўпирилишлар, чўкмалар ёки бошқа ҳолатларни бартараф этиш, шу аснода жони азоб чекаётган, ҳаёти хавф остида қолган кишиларга ёрдам кўрсатиш, уларни кутқариш учун кеча-кундуз тайёр туриш осон юмушлар хилидан эмас. Айниқса, тоғ шароитида. Худдики ёғочга миёна қўққандек, тоғу тошларга қо-

зиқ ўрнатиб, махсус арқонлар ёрдамида жабрланганларни хавфсиз жойларга олиб чиқишининг ҳам ўзига яраша захмати, масъулияти бўлади. Кутқарувчиларга хос бўлган бундай ишларни бажариши ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.

– Ҳамроҳим билан Тошкентдан қайтаётганимизда кучли қорбўронга дуч келиб, аксига олгандек машинамиз ҳам бузилиб қолди, – дейди олтириқлик ҳайдовчи Э. Шодиев. – Ҳаво совуқ, боз устига увиллаб турган тоғ шамоли кўз очиргани қўймайди. Машинани тузатишга анча уриндик, тузатишининг имкони бўлмади. Бахтга қарши шу вақт оралиғида қаердидир қор кўчиси рўй берган бўлса керак, бирор техникка ўтмайди. Нима қилишимизни билмай эрталабга машинамизнинг захира гилдирагини ёқиб, исиниб чиқсакми, деб турувдики, кечаси соат бирларда кутқарувчилар ёрдамга етиб келишди, хайрият. Шу пайтгача доvonда бундай халоскор йигитлар ишлашини билмас эканмиз. Улардан жуда миннатдор бўлдики.

– 2018 йил 8 июнь соат 21:00 лар атрофида хавфли гидрометеорологик ҳодиса кузатилган эди эди, – дейди “Қамчиқ” МҚКБ бошқисининг биринчи уринбосари – штаб бошлиғи, подполковник М. Дархоннов. – Шу кунги қисқа мўддатли кучли ёнгингарчилик оқибатида автомобиль йўлининг 148 км. оралиғида сел билан боғлиқ фавқулодда вазият кузатилиб, автомобиль йўлининг қатнов қисмига узунлиги 202 метр, эни 45 метр, баландлиги 2,2 метр, умумий ҳажми 19998 метр куб тош ва лой аралашмаси оқиб тушган. Натижада юк ва енгил автомобиллар сел оқимига тушиб қолган. Бошқармининг кутқарувчи-халоскорлари томонидан 16 нафар фуқаролар – ҳайдовчилар ва йўловчилар кутқариб олинди, 4 нафарига шу жойнинг ўзида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилган, 2 нафар фуқаро Ангрэн шаҳар шифохонасига ётқизилган. Ўз вақтида кўрсатилган кутқарув ёрдами ижобий самара бериб, фуқароларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Кези келганда ҳамкорликда олиб борилган муҳофиза тадбирларини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Хавф рўй бермай туриб, ўнми олдини олган афзал, деганларидек, ҳар йили куз-қиш мавсумида А-373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўли ҳамда “Ангрэн-Поп” электрлаштирилган темир йўлининг “Қамчиқ” доvonидан ўтган қисмида транспорт воситалари ва аҳолини узулусиз ҳамда хавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида ҳамкорликда бир қанча тадбирлар бажарилади. Хусусан, А – 373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўлида жами 40 дан зиёд хавфли геологик участкалари мавжуд бўлиб, мазкур участкалардаги хавфни камайитириш мақсадида хавфли жараёнларни кузатиш давлат хизмати “Ангрэн” ва “Фарғона” кузатиш станциялари томонидан берилган ёзма кўрсатмаларига асосан, ФВВ раҳбарлигида “Қамчиқавтйўли” ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан муҳандислик-ҳимоя тадбирлари амалга оширилмоқда. 2020 йилда А-373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг кўчки хавфи мавжуд участкаларида 404778 м3 тупроқ ишлари бажарилиб, рўй бериш эҳтимоли бўлган хавф бартараф этилган.

Шунингдек, автомобиль йўлининг 200,5-220,65 км. оралиғидати тош туши хавфи мавжуд участкалардан, тепа қиялик ёнбағирликлариди осилиб турган тошларни “Қамчиқ” МҚКБ ва “Қамчиқ-автйўли” ИЙФУК билан ҳамкорликда 1533 м3 дан зиёд тош тушириш ишлари амалда бажарилган.

Айни кунларда “Ангрэн-Поп” темир йўл линиясида хавф солиши мумкин бўлган ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва зарурий муҳандис-ҳимоя тадбирларини бажариш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасига асосан, “Қўқон” минтақавий темир йўли эзелги томонидан темир йўлининг кўчки хавфи, тош туши хавфи мавжуд участкаларда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида муҳандислик-ҳимоя тадбирлари мунтазам олиб боришмоқда.

Сўнги вақтларда доvon йўлида қатнов ҳаракати ошиб бормоқда. Табиийки, йўл-транспорт ҳодисалари сонининг бироз ўсиши кузатилмоқда. Таҳлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, “Қамчиқ” махсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармаси ташкил этилганидан бошлаб ўтган 20 йил давомида турли кўринишдаги фалокатлар рўй берганида юзлаб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Фидойиллик – бебаҳо тушушча. У меҳрдан яралади. Фидойиллик бор жойда жасорат зоҳир. Тинч, хавфсиз жойда фаровонлик, юксалиш бўлади, халқимизнинг келажака бўлган ишончи ортади.

Азамат СУЮНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюشمаси аъзоси.

ТАҚДИМОТ



Судьялар клуби ташкил этилди

бу судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш билан бирга тизимдаги коррупциянинг олдини олади

Аввалроқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар клуби ташкил этилгани тўғрисида кенг жамоатчилик матбуот, ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали хабар қилинган эди.

Яқинда Судьялар олий кенгаши Биносида Судьялар клубининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Кенгаш мутасаддилари, Олий суд судьялари ва тизимнинг таниқли ва фахрий вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Судьялар клуби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида ташкил этилганлиги таъкидланди. Шунингдек, Судьялар клуби амалдаги моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тасвирий характерга эга бўлган маслаҳатлар ҳамда судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларга тушунтиришлар бериб бориши ҳам айтиб ўтилди.

– Президентимизнинг мазкур фармони мазмун-моҳиятига қўра, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг изчил давомидир, – дейди Судьялар олий кенгаши раиси Холмуҳин Ёдгоров. – Ушбу фармонга қўра, суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган муносиб кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлашда очкилик ва шаффофликни янада кенгайтириш, судьялар фаолиятини холис баҳолаш, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Судьялар клубининг иштини ташкил қилиш ва асосий фаолияти йўналишларини мувофиқлаштириш, халқаро ташкилотлар ва хоржий давлат судьялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш Судьялар олий кенгаши кўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, Судьялар клуби интернет тармоғида расмий каналлари ва форумини юритиш орқали ўзаро онлайн мулоқотни амалга оширади; Клуб аъзолари учун давра суҳбатлари, семинар, вебинар ва конференциялар, телерадио каналлари орқали махсус эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этади.

Суд амалиёти ва судьялар фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимини бўйича ҳуқуқий жиҳатдан асосланган тасвир ва маслаҳатларни асқантанириш, судьяларнинг назарий билимлари, амалий тажрибаси ва касбий малакасини ошириш борасида илгор хоржий ҳамда халқаро тажрибаларни клуб аъзоларига изчил етказиб бориш ҳам Судьялар клубининг асосий фаолияти йўналишига кирди.

Судьяларни мунтазам равишда қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар, суд-ҳуқуқ масалалари бўйича амалиёт, шунингдек норма ижодкорлиги фаолияти билан таништириб бориш, судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини қўлланиши бўйича янгиликларни судьяларга етказиб бориш ҳам Клубнинг асосий вазифаларидан этиб белгиланган. Бир сўз билан айтганда, Судьялар клуби жамоатчилик асосида фаолият юритидаи ва ушбу клуб юридик шахс ҳисобланади.

Қолаверса, клубнинг домий масъул аъзолари кўп йиллик иш тажрибасига, чуқур билим ва юксак обрў-эътиборга эга бўлган амалдаги ва фахрий судьялар орасидан шакллантирилади.

Маълумот ўрнида ана шуни айтиш мумкинки, Жанубий Корея, Австрия ва Миср давлатларида ана шундай клублар фаолият юритади. Ушбу клуб судьялар учун муайян вазиятларда Судьялар одоб-ахлоқ кодексига қандай амал қилиш лозимлиги хусусида, шунингдек мураккаб нисоларнинг тўғри ҳуқуқий ечимини топиш юзасидан маслаҳат тусидаги тасвирлар беришни амалга оширади. Шу билан бирга, клуб янги судьялар ва кўп йиллик тажрибага эга судьялар ўртасида “кўприк” вазифасини ўтади. Бундан ташқари, аёл судьялар клуби фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон ОВОЗИ” мухбири.

МУРОЖААТНОМА

Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорда зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган.

“COVID-19”

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ

Ўзбекистон ким томонидан ишлаб чиқилган вакцинани қўлламоқчи?

Вакцинация нима, у бизга нима беради? Аҳолини коронавирустга қарши эмлашни қачон бошлаймиз ва бу борада мамлакатимизда амалга ошириладиган ишлар қай даражада? Бу саволларга Республика Санитария-эпидемиологик осовийшталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари Нурмат АТАБЕКОВ қуйидагича жавоб берди:



— Биз қачонки юқумли касалликларнинг вакцина орқали бошқарилишига ишонч ҳосил қилсак, қўл остимизда ушбу касалликка қарши эмлаш воситаси (вакцина) бўлса, ана шундагина аҳолининг тегишли катламини эмлашни бошлашимиз лозим бўлади. Унинг самарасини исботлаш учун биз, тиббиёт ходимлари биринчи навбатда ўзимиз эмлашимиз зарур.

“COVID-19” инфекцияси тарқалганидан буён биз, қолаверса, дунё аҳли шу пайтга қадар қачон самарали вакцина пайдо бўлар экан, деган ўй-фикр билан ашадик. Касаллик юқинишнинг олдини олиш мақсадида нафақат тиббиёт ходимлари, балки, ким нима деса, ҳаммасини дарҳол бажардик. Ўзбекистонда коронавирустини инфекцияси бўйича бирмунча эпидемик барқарорлик ҳукм сура бошлаган эди. Шундан кейин профилактик чора-тадбирларни нафақат унутдик, балки статистик рақамларга ишонмаслик, яратилган вакциналарга нисбатан шубҳа билан қараш, боз устига, ижтимоий тармоқларда тарқалётган асосиз, ёлгон, бошидан охиригача сафсаталарга тўла маълумотларни қўлма-қўл қилишни бошладик. Бу каби бизнинг “қўштирноқ” ичидаги фаоллигимиздан эса қўлланганимиздаги мобил телефонлар терлаб кетяпти.

Таъкидлаш жоизки, GAVI (“Эмлаш ва иммунизация бўйича глобал альянс”) ташкилоти томонидан Ўзбекистон COVAX (Коронавирус инфекциясига қарши эмлаш механизми)га аъзо давлатлар рўйхатига киритилган. Ҳозир ушбу имконият доирасида Ўзбекистон аҳолисининг 20 фоизини “COVID-19”га қарши эмлаш учун бюрторма тайёрланиб, COVAX жамғармасига юборилди.

Pfizer/BioNTech компаниялари томонидан ишлаб чиқилган Comirnaty вакцинаси совуқлик занжирига жиддий ривоз этган ҳолда (-70° С ҳароратда) сақлашни талаб қилганлиги боис, дастлабки босқичда республикага, GAVI ташкилоти ҳамкорлигида 100 минг доза вакцинани олиб келиш режалаштирилмоқда. Бу вакцина хавф ости гуруҳига мансуб 50 минг аҳолини икки мартаба эмлашга етади. Вакцина 2 мл. флаконда 5 дозадан иборат қилиб қадоқланган, бундан ташқари, 0,45 концентратланган вакцина суспензияси бор ва у эмлашдан олдин 1,8 мл. изотоник эритма билан суюлтирилгандан сўнг, шприца 0,3 мл. миқдорда олинади ва бир флакондаги вакцина билан 6 нафар шахсни эмлаш мумкин.

Юртимизда -70°С ҳароратни сақлайдиган музлатгичлар мавжуд бўлиб, коронавирустга қарши эмлаш жараёнини пухта режалаштириш ва тиббиёт ходимларини махсус хавфсиз иммунизация шартлари бўйича тайёрликдан ўтказиш, айниқса, вакцинадор, реаниматологлар ва бошқа тиббиёт ходимларини тайёрлаш ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Келгусида аҳолининг катта миқдордаги қисмини эмлаш учун +2 + 8°С ҳароратда сақлаш имконияти бўлган вакциналардан фойдаланилса, юзага келиш эҳтимоли бўлган ноқулайликларнинг олдини олиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда 13 турдаги юқумли касалликларга қарши эмлаш тадбирлари



амалга оширилади. Тиббиёт тизимизга олиб келиниши, рўйхатдан ўтказилиши, эмлаш жараёнига тайёрлик кўриш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, вакцинацияни бошлаш тадбирларини ўз ичига қамраб олган йўл харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ҳамкорликда амалга ошириш режалаштирилган. Бир вақтнинг ўзида “Sputnik V” вакцинасини тезкор сертификатлаш ва Ўзбекистонда вакцина ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

— **“COVID-19”га қарши вакциналар синовида мамлакатимизнинг иштироки нима беради?**

— Умуман, вакциналарнинг синов жараёнида иштироки ҳар қандай давлатнинг нуфузини, илмий кадрлар салоҳиятини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси ушбу жараёнда иштирок этаётган экан, айнан уша эътирофни бизнинг мамлакатимизга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Аниқроқ айтганда бўлса, ҳозирда Санитария-эпидемиологик осовийшталик ва жамоат саломатлиги хизмати Россия Федерациясининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси билан “Sputnik V” вакцинаси бўйича мунтазам мулоқотларни амалга оширмоқда. Хусусан, бугунги кунда мазкур жамғарма ҳисобидан республикага 100 доза вакцина олиб келинган ва у -20°С ҳароратда сақлаб турилибди.

Маълумот ўрнида шунини айтиш мумкинки, Россия Федерациясида ушбу вакцина билан 12 минг нафар кўнгиллида 3-клиник синов босқичлари якунланган ва ҳозирги кунда унинг натижалари маҳаллий мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

“Sputnik V” вакцинасининг юртимизга олиб келиниши, рўйхатдан ўтказилиши, эмлаш жараёнига тайёрлик кўриш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, вакцинацияни бошлаш тадбирларини ўз ичига қамраб олган йўл харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ҳамкорликда амалга ошириш режалаштирилган. Бир вақтнинг ўзида “Sputnik V” вакцинасини тезкор сертификатлаш ва Ўзбекистонда вакцина ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

— **Хитой вакцинаси бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти?**

— Юртимизда Хитойнинг “Auhui Zhifei Longcom Biopharmaceutical” компанияси томонидан ишлаб чиқилган янги коронавирустек рекомбинант вакцинасининг хавфсизлиги ва “COVID-19” инфекциясининг олдини олишдаги самарадорлигини аниқлаш мақсадида 5000 нафар кўнгиллилар орасида 3-босқич клиник тадқиқотлари ўтказилиши режалаштирилган. 2021 йилнинг 21 январь ҳолатига коронавирустек касаллигига қарши вакцинанинг синов жараёнида иштирок этиш истагини билдириб, 8153 нафар кўнгилли мурожаат этди, уларнинг 7409 нафари вакцина синов қилишига розилик беришган ва барча клиник, лаборатория-инструментал текширувларидан сўнг 3917 нафар шахсларда вакцинанинг биринчи клиник синовлари, 120 нафарига эса иккинчи клиник синовлари амалга оширилган. Бунда ҳеч қандай ноқулай таъсирлар кузатилмаган. Таъкидлаш жоизки, вакциналарнинг синов жараёнларида 8 нафар хитойлик мутахассис ҳам иштирок этмоқда. Амалга ошириладиган барча тадбирлар Санитария-эпидемиологик осовийшталик ва жамоат саломатлиги

хизмати қошида ташкил этилган иммунизация штаби томонидан кузатиб борилмоқда.

Мамлакатимизда Хитойнинг “Auhui Zhifei Longcom Biopharmaceutical” компанияси томонидан ишлаб чиқилган янги коронавирустек рекомбинант вакцина билан амалга ошириладиган клиник синовлар жараёни икки босқичдан, яъни 28 кун оралигида икки мартаба эмлаш билан амалга оширилади. Вакцинанинг самарадорлиги эса эмланганларда иммуноглобулин G (IgG) антитаначалари пайдо бўлганлигига қараб баҳоланади. Шу ўринда коронавирустек касаллигига қарши эмлашни нечоғлиқ аҳамиятли эканлигига яна бир бор тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозир биз республикаимиз аҳолисининг қанча қисми ушбу касаллик билан касалланиб улгурганини аниқ билмаймиз. Негаки, кўпчиликда касаллик клиник белгиларсиз ёки енгил ўтган бўлиши ҳам мумкин. Ҳа-нузгача биз касалликдан кейин ҳосил бўлган иммунитет қанча пайтгача турган бўлишини, янги пайдо бўлаётган штаммлар ўзини қандай тугишини ва инсониятни яна қандай муаммоларга рўбарў қилиши мумкинлигини билмаймиз.

Қачонки у ёки бу давлатда аҳолининг 70 фоиздан ортиқроғида тургун иммунитет бўлмас экан (касалланишдан кейин ёки эмлашдан кейин), биз эпидемик жиҳатдан барқарорликни таъминлай олмаймиз. Фақат касалланишнинг ёки касалланмаганлигидан қатъи назар, коронавирустек касаллигига қарши эмлашни мазкур касаллик билан хасталанишда, қайта касалланишдан сақлайдиган асосий омил бўлиб қолаверади.

— **“Ўзбекистон овози” муҳбири Шухрат ИСПОМОВ суҳбатлашди.**

ТАҚДИМОТ

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

аҳамияти ва зарурати

Республикаимизда демографик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда мамлакат ҳудудида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Аҳолини рўйхатга олиш – мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосурати”ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Статистика қўмитасининг маълумотларида келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида аҳолини рўйхатга олиш илк бор 1897 йилда ўтказилган. Ушбу тадбир маълумотлари XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар, аҳоли сони, аҳолининг ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш ҳамда ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида таъсирчан хосил қилишга ёрдам берган. Юртимизда ушбу тадбир энди қанча амалга ошади, унинг молиявий масалалари қай тартибда ҳал этилади?

РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИ НИМА БЕРАДИ?

Биринчидан, аҳолини рўйхатга олиш меҳнат ва уй-жой бозорларини режалаштириш, республика бюджетини тузиш, транспорт сиёсатини юритиш, энергетика, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари, тил ва диний сиёсат масалаларида жуда муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, қайси соҳада бўлмасин, келажакки аҳолини рўйхатга олиш натижаларисиз режалаштириб бўлмайди.

Иккинчидан, аҳоли жон бошига макроиқтисодий кўрсаткичларни (яъни ички маҳсулот, аҳоли даромадлари, саноат маҳсулоти ҳамжи, истеъмол маҳсулотлари, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳамжи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) ҳисоблашда фойдаланилади.

Учинчидан, республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот манбаи сифатида хизмат қилади.

Тўртинчидан, аҳоли пунктларининг инфратузилмасини яхшилашда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқишда ишлатилади. Бундай маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни олдиндан баҳолаш, бандлик ҳолатидаги аҳолининг режаларини орта су-риллишга сабаб бўлаётган коронавирустек пандемияси туфайли кўпгина давлатлар аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш муддатларини кейинги йилларга қўчириш чораларини кўрмоқда. Жумладан, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида 2020 йилда режалаштирилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари 2021 йилга қўчирилди. Республикаимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири илк бор ўтказилганлиги эътиборга олинди, пухта тайёрлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан республикаимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2023 йилда ўтказилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишнинг ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ республикаимизда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш белгиланган эди.

РЎЙХАТГА ОЛИШ НЕГА КЕЧИКИРИЛЯПТИ?

Бугунги кунда дунё миқёсида глобал муаммоларни келтириб чиқарётган ҳамда ижтимоий-иқтисодий режаларнинг орта су-риллишига сабаб бўлаётган коронавирустек пандемияси туфайли кўпгина давлатлар аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш муддатларини кейинги йилларга қўчириш чораларини кўрмоқда. Жумладан, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида 2020 йилда режалаштирилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари 2021 йилга қўчирилди. Республикаимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири илк бор ўтказилганлиги эътиборга олинди, пухта тайёрлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан республикаимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2023 йилда ўтказилиши белгиланди.

ХАРАЖАТЛАР ҚАЙСИ МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАР ҲИСОБИДАН ҚОПЛАНАДИ?

Хорижий давлатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш аничагина маблағ талаб этади. Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишнинг ўтказиш концепциясига мувофиқ, ушбу тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун билан таққиланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Аҳолини рўйхатга олишга тайёрлик кўриш ва уни ўтказишга, натижаларини олиш ва эълон қилишга жалб этилган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш махсус ишлаб чиқилган ва тасдиқланган нормативлар асосида амалга оширилади. Ҳар бир юрtdошимиз Ватанимиз ва Ўзининг келажак учун олиб бориладиган ушбу кенг қўламли давлат тадбирига бефарқ бўлмаган ҳолда фаол иштирок этади, деган умиддамиз.

Санжар АННАЗАРОВ, Олмасор тумани статистика бўлими бошлиғи, Ҳилола ҚАМАРЕТДИНОВА, бош мутахассис.



Суд мустақиллиги ва сўз эркинлиги

мавзусига бағишланган ўқув машғулот

Аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш, судлар фаолияти, хусусан, судларда қўриладиган ишлар бўйича ҳолис ва ҳаққоний маълумотларни жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда ОАВ вакиллари ва блогерлар учун “Суд мустақиллиги ва сўз эркинлиги: суд процессларини ёритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бу борада амалдаги қонунчилик талаблари” мавзусига бағишланган ўқув-машғулотлари айнан ҳамкорликни мустақамлаш, ҳуқуқий мавзуда ёзидиган журналистлар тажрибасини оширишга қўмақлаш мақсадида таш-

кил этилди. Унда таниқли хуқуқшунослар, тажрибали журналистлар ва медиа-экспертлар маърузалари билан иштирок этапти.

Ўқув-семинарда суд процессларини ёритишда қатор тушуномчиликлар кўзга ташланаётгани, суд процессларини ёритишнинг ўзига хос жиҳатлари борлиги ва бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларни кенг тушунтиришга катта эҳтиёт севилётгани тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Судьялар олий мактабидан ўтказилаётган бу тадбирда бе-восита ва билвосита (онлайн) тарзда иштирок этиш мумкин. Эътиборлиси, икки ҳафта давомида душанба, чоршанба ва жума кунлари ташкил этиладиган машғулотлар бепул ва унда иштирок этиш чегараланмаган.

Ўз муҳбиримиз.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

КАРТОШКАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Кўпни кўрган, дуоғуй отахонларимиз гап-гаштак, ўзаро гурунларда картошкани “Иккинчи нон”, дея таърифлашади. Кундалик ҳаётда, рўзғорда ҳам картошкага талаб юқори. Оилавий эҳтиёжлар учун энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулот ҳам айнан картошка эканлиги барчамизга маълум.

Иккинчи жаҳон урушининг қаҳатчилик ҳукм сурган, бир бурда нон топиш анқонинг уруғига айланган даврида ҳам, аҳоли асосан картошка истеъмол қилиб, ҳалокатдан сақлангани тарихий манбалардан маълум.

Мамлакатимизда картошкачиликни ривожлантириш, унинг иқлимбо ва серҳосил навларини маҳаллийлаштириш юзасидан истиқболли лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятда ҳам кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аграр саноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Самарқанд вилоят бошқармаси ахборот хизмати маълумотига кўра, 2020 йилда вилоятда 9 минг 414 гектар ерга картошканинг “Пекас”, “Гала”, “Фонтане”, “Аризона” сингари R1 нави экилган бўлиб, 131 минг тоннадан ортиқ ҳосил йиғиштириб олинган. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хў-



жалиги вазирлиги томонидан 2019 йил 4 октябрда тасдиқланган “Картошка уруғлик майдонларида апробация ўтказишга оид услубий қўлланма” асосида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тасвия қилинган қишлоқ хўжалик экинларининг давлат реестрига киритилган картошка экинлари навлари ва дурагайлари экилган майдонлар инспекция органлари назоратига олинди.

— “Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилоят бошқармаси “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДКнинг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ходимлари, туман қишлоқ хўжалиги бўлимлари мутахассислари иштирокида картошка экилган майдонларда апробация ўтказилди.

Апробация натижаларига кўра, 801 гектар майдонда етиштирилаётган уруғлик картошка яроқли деб топилди ҳамда 11 минг 150 тонна уруғлик картошка жамғарилди, — дейди инспекциянинг Самарқанд вилоят бошқармаси қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари етиштирилиши ва

таъминотини назорат қилиш бўлими бош инспектори Хушнуд Нурбеков.

Маълумот ўрнида: 2020 йили Булунгур туманидаги 15 та агрофирма ҳудудидаги фермер хўжалиқлари томонидан 2 минг 201 гектарга картошка экилган бўлиб, 44 минг 20 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. 2021 йил ҳосили учун 4 минг 572 тонна уруғлик картошка жамғарилди.

Самарқанд туманидаги 304 та фермер хўжалиги томонидан 356 гектар ерга экилган картошкадан 3 минг 916 тонна картошка етиштирилди.

2021 йили Самарқанд вилоятда 5 минг 548 гектар асосий майдонга, бундан ташқари, 10 минг гектардан зиёд ғалладан бўшаган майдонга картошка экилади. Утган йили вилоятда 131 минг тоннадан ортиқ сифатли картошка етиштирилди.

2021 йили 140 минг тоннага яқин ҳосил етиштирилиши режалаштирилган.

— “Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилоят бошқармаси ахборот хизмати

МУРОЖААТНОМА

2020 йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ



20 ЯНВАРЬ КУНИ ВАШИНГТОНДА АҚШНИНГ 46-ПРЕЗИДЕНТИ ЖОЗЕФ БАЙДЕН ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ. КАМАЛА ҲАРРИС ЭСА МАМЛАКАТ ТАРИХИДАГИ ИЛК ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТ АЁЛ СИФАТИДА ЛАВОЗИМГА КИРИШДИ.

Қасамёд матни XIX асрдан бери ўзгаришсиз келмоқда. Унда: тантанали равишда қасамёд қиламанки, мен Қўшма Штатлар президенти мажбуриятларини ҳалоллик билан бажараман ва Қўшма Штатлар конституциясини сақлаш ҳамда ҳимоялаш учун қўлимдан келган барча ишни қиламан, дейилади.

Янги президент ўз нутқида миллий бирликка чақирган ва бир неча марта АҚШнинг барча фуқароларини бирлаштиришга, барча америкаликларнинг президенти бўлишга ҳаракат қилишини таъкидлаган.

«Худо ва барчангизнинг олдинда конституцияни, демократия ва Американи муҳофаза қилиш учун сўз бераман. Биз биргаликда Америка тарихини ёзамиз — кўрқувлар эмас, умидлар тарихини», деди Байден йилнинг башларида.

«Худо ва барчангизнинг олдинда конституцияни, демократия ва Американи муҳофаза қилиш учун сўз бераман. Биз биргаликда Америка тарихини ёзамиз — кўрқувлар эмас, умидлар тарихини», деди Байден йилнинг башларида.

Инаугурацияда уч нафар собиқ президент — Барак Обама, Жорж Буш, ҳамда Билл Клинтон турмуш ўртоқлари билан қатнашди. Пандемия сабаб, саҳнага жами 200 киши атрофида йиғилди.

Ўраб олинмаган худуд ичкарасига илгари кўли билан уч минг киши киришди. Бу гал эса Франклин Рузвельтнинг тўртинчи муддатидан буён кузатишган энг ихчам инаугурация маросими бўлди. Линкольн ёдгорлигиндан Капитолийгача бўлган Миллий хиёбонда тўпланадиган оддий томошабин-

лар ўрнига 200 мингга АҚШ байроғи ўрнатилди. Улар рамзий маънода маросимга келмайдиган иштирокчиларни аниқлади ва коронавирус оқибатида вафот этганларни хотирлайди.

Хавфсизлик чоралари кучайтирилганлиги сабаб, Вашингтонга 25 мингдан ортиқ Миллий гвардия ходими жойлаштирилди, марказий кўчалар тўсилди, ушбу худуддаги метро станциялари ишламади. Қасамёд қабул қилиш маросими 1981 йилдан буён анъанага айланган тарзда Капитолийнинг гарбий қанотида бўлиб ўтди, сўнг президент ва вице-президент Пенсильвания-авеню орқали Оқ уйдаги қароргоҳларига кузатиб қўйилди.

Маълумот учун, АҚШ президентлари сони вице-президентлар сонига тенг эмас, чунки президентнинг бутун карьераси давомида бир нечта ўнг қўллари бўлиши мумкин. Масалан, Ричард Никсон даврида икки нафар, Франклин Рузвельт даврида эса уч нафар вице-президент бўлган.

20 январь куни лавозимига киришган Жозеф Байден фаолиятининг биринчи куни жами 17 фармон, мейорандум ва ижро кўрсатмаларини имзолади. Уларнинг бир нечаси аввалги президент Дональд Трампнинг фармойишларини тўғридан-тўғри бекор қилади. Уларнинг кўпчилигини бекор қилиш ҳақида Байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

байден сайлов олди кампанияси чоғидаёқ, шунингдек,

КХДР ва Сурия аҳолисининг АҚШга кириши бўйича тўлиқ тақиқ қолди. Чад, Ливан ва Яман фуқароларига сайёҳлик визалари берилиши тўхтатилди. Байденнинг янги фармони Трампнинг 2017 йил 25 январдаги қарорини тўлиқ бекор қилади.

Трамп Канададан АҚШга келадиган нефть қувури қурилиши учун берилган рухсатни бекор қилди. Кўп йиллар давом этган оммавий муҳокамадан кейин Барак Обама ўз муддатининг сўнггида лойиҳадан АҚШ хавфсизлиги манфаатларига тўғри келмаганлиги учун воз кечишга қарор қилди, аммо Трамп лавозимидаги биринчи ойдаёқ қувурнинг қурилишига рухсат берувчи фармонни имзолади (лекин қурилиш кўп сонли судлар ва норозиликлар тўғрисида барбир бозорчи бўлмади). Шу фармонни Байден иқлим муаммолари ҳақидаги умумий ҳужжат доирасида бекор қилди.

Дональд Трамп маросимга келмади. Аввалги президент Дональд Трамп кўп асрлик анъаналарга зид борган ҳолда маросимда иштирок этишни истамади.

У АҚШ тарихига икки марта импичмент эълон қилинган илк президент сифатида кирди. Аммо иккинчи айблов иши Сенатда ҳали кўриб чиқилмаган, агар у сенаторлар томонидан қораланса, президентлик сайловларида яна қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

20 январь тонгида Трамп Оқ уйдан чиқиб, Мерилэнддаги Эндрюс харбий базасига борди. У ерда уни артиллерия салютлари билан кутиб олишди ва у сўнги марта президент сифатида чиқиш қилди. Трамп майдонга йиғилган оила аъзолари, маъмурият ходимларига миннатдорчилик билдирди, шунингдек, президент лавозимида эришган ютуқлари ҳақида гапирди.

Трамп бир ярим аср ичида кейинги давлат раҳбарининг инаугурациясини ўтказиб юборган илк президент бўлди. Сўнги марта 1869 йилда Эндрю Жонсон шу ишни қилганди.

«Мен шафқатсиз курашлар, энг қийин жанглар, энг қийин қарорларни ўз зиммамга олдим — чунки айнан шунинг учун мен сайлагансиз. Бизнинг кун тартибимиз ўнгллар ва сўллар ҳақида эмас, республикачилар ва демократлар ҳақида ҳам эмас, балки халқ фаровонлиги ҳақида эди», деган Дональд Трамп.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Жозеф Байденга унинг давлат раҳбари лавозимига киришгани муносабати билан табрик йўллади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БИЛАСИЗМИ?

КИМЛАРГА уй-жой қуриш учун ер участкалари аукционсиз берилади?



Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача ва ушбу ҳажм доирасидаги ер участкалари аукционсиз:

- ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига;
- табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатида турар жойини йўқотган жабрланган шахсларга;
- давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойини туман (шаҳар) ҳокимликларига ўтказётган фуқаролар ва мулкдорларга берилади.

Ер участкасини бериш бўйича имтиёзлар бир оилга бир марта (мулкдорнинг номига) берилади ва оиланинг бошқа аъзоларига татбиқ этилмайди.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН оилаларга бепул ёки имтиёзли шартларда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилади



«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» орқали кам таъминланган сифатида рўйхатга олинган оилаларга бепул ёки имтиёзли шартларда қуйидаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилади:

- давлат мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар туловидан озод этиш;
- мактабгача таълим муассасаларида ўрнатилган миқдорларда ота-оналар туловини тўлаш;
- мактабларда дарсликлар ижара тўловларидан озод этиш;
- мактаб ўқувчилари учун қишқи кийим-бош бериш;
- айрим фанларни ўқитишга ихтисослаштирилган умумий ўрта мактаблар ўқувчиларини овқатлашни харажатларидан озод этиш;
- санъат мактаблари, мусика мактаблари, «Барқамол авлод» марказлари ва бошқа мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқиш харажатларидан озод этиш;
- кам таъминланган оилаларнинг ногирон аъзоларини протез — ортопедия буюмлари билан таъминлаш;
- ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида бепул махсус (амбулатор ёки кундузги) тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича йўлланма (ордер) олиш.

ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРГА ўқув машғулотлари вақтида қуйидагилар қатъий тақиқланади:



- телефон орқали сўзлашиш ҳамда SMS (MMS) ва бошқа турдаги хабарларни жўнатиш;
- телефонни стол устига қўйиш;
- мусиқа, шу жумладан намуналар орқали тинглаш;
- сурат ва видео тасвирларни кўрсатишда телефондан фойдаланиш (ўйинлар билан шўғулланиш), тасвир (матн, расм, видеоёзув ва фотосуратлар) қўриш, диктофон, калькулятор, календарь, блокнот, ён дафтarchа кабилар сифатида фойдаланиш;
- суратга олиш ва видео тасвирга тушириш;
- телефон (GPRS, Bluetooth, Интернет ва шу кабилар) орқали бошқа хизматлардан фойдаланиш.

Ўқувчиларга машғулотлар ва тадбирлар оралигида фақат асосли ва кечиктириб бўлмайдиган зарур ҳолатларда ота-онаси, яқин қариндошлари, мактаб раҳбарлари ёки ходимлари билан зудлик билан боғланиш мақсадида телефонлардан фойдаланишга (кўнгирак қилишга, SMS, MMS, GPRS жўнатишга, Bluetooth, Интернет ва шу кабилар хизматидан фойдаланишга) рухсат этилади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

МЕНДА ТАКЛИФ БОР!

ТАЪЛИМГА ҲИССА ҚўШАЙЛИК

Сир эмас, бугунги куннинг энг оғриқли муаммоларидан бири — ўқув қўлланма ва дарсликлар етарли эмаслигида, бунинг устига ишлаб чиқариш билан боғланмаган, ўқувчи тушуниши учун содда ва раво ёзилган адабиётлар кам. Институтдаги унвонли ўқитувчиларнинг ҳаммасини ҳам иқтидори етарли деб бўлмайди.

Масалан, Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун «Ўқитувчи» нашриётида 2002 йилда чоп этилган «Анорганик кимё» дарслигида бир назар ташлайлик. Унинг 133-бетида «Олтин-гургуртнинг олинишида америкалик олим Фраш усули нихоятда диққатга сазовор» деб берилган. Ваҳоланки, 1971 йилдан буён олтингургурт Ўзбекистонимиздаги Муборак газни қайта ишлаш корхонасида табиий газ таркибидagi водород сульфиддан ажратибли, ундан Клауус усулида олтингургурт ишлаб чиқаришмоқда. Бу жараённинг муаллифлигида 2019 йилда «Қашқадарё кўзгуси» нашриётида чоп этилган «Нефть ва газ кимёси» номи ўқув қўлланмасида батафсил ёритилган. «Анорганик кимё» ўқув қўлланмасининг 135-бетида «Водород сульфид ва сульфид кислотаси» мавзуси берилган. Унда темир сульфидга хлорид кислотаси таъсир қилиниши йўли билан водород сульфид олиниши кўрсатилган. Бу мавзу бўйича ҳам «Нефть ва газ кимёси» ўқув қўлланмасида ўзимизда амалиётда бўлган табиий газларни нордон газлардан ажратиш ва аралаш моддаларни десорбция йўли билан ажратиш усуллари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан З. Салимов, Т.Раҳмоновлар ҳаммуаллифлигида 2003 йилда чоп этилган «Кимёвий ишлаб чиқариш жараёнлари ва қурилмалари» номи ўқув қўлланмасининг 195-бетидаги «Абсорбция», 212-бетидаги «Десорбция» мавзулари ишлаб чиқаришдаги жараёнлар асосида ёритилмаган. Бу мавзу ҳам «Нефть ва газ

кимёси» ўқув қўлланмасида атрофича ёритилган ва ишлаб чиқаришдаги жараёнлар мисолида баён этилган.

Худди шу ўқув қўлланмасида «Қуришти» мавзуси берилган, аммо аниқ мисоллар келтирилмаган. Бу мавзу ҳам «Нефть ва газ кимёси» ўқув қўлланмасида «Тозаланган газни паст ҳароратда қуришти» номи билан аниқ қимматлар асосида тушунтириб берилган. Шунингдек, «Нефть ва газ кимёси» ўқув қўлланмасида метанни ажратиб олиш технологияси, этандан этилен олиш технологияси, пропанни ажратиб олиш технологиялари ўз аксини топган. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш жараёнлари билан уйғунлиқда берилган.

Бундан ташқари пиролиз газини совутиш ва фракцияни конденсатлаш, пиролиз газини тоблаш, ацетиленни гидридлаш, пиролиз реакториди руй берадиган реакциялар, полиэтилен ишлаб чиқаришда реакция зонаси, полиэтилен ишлаб чиқаришда рецикл зонаси каби мавзулар ҳам «Нефть ва газ кимёси» ўқув қўлланмасида ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда ўз аксини топган бўлиб, аниқ ва содда тилда асослаб берилган.

Шунингдек, 2019 йилда ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита уйғун ҳолда, кузатувлар асосида менинг муаллифлигимда босмадан чиққан «Кимёвий ишлаб чиқариш техник ишлари» ўқув-қўлланма китобида РН-метр жиҳозидида эритмаларнинг муҳитини аниқлаш, рефрактометр, фотоколорометр, спектрофотометр, газ хроматографиясида, сувоқлик хроматографияларида ишлаш мавзулари ёритилган. «Газ анализаторларида таҳлиллар» мавзуси бўйича бир неча хил газларни турли русумдаги автоматик равишда аниқлаш борасида ўтказилган тадқиқотлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

«Аралаш моддаларни ҳарорат таъсирида ажратиш» мавзусида бир неча моддалар аниқ таҳлиллар қилиш асосида тавсифланган. Ичимлик сув сифатини назорат қилиш, унинг кимёвий таҳлилини ўтказиш, сув сифатининг лаборатор

назорати, физик-кимёвий усуллари, ичимлик сувини зарарли микроблардан тозалаш усуллари, унинг таркибидagi қолдиқ фаол хлор миқдорини аниқлаш усуллари, сувдаги темир иони, чиқинди сувдаги фенол, чиқинди сувдаги нитрит ва нитрат, чиқинди сувдаги фосфор, оқава сувдаги мис, чиқинди сувнинг каттиқлиги, сувда эриган кислород миқдори, сув юзидagi синтетик фаол моддалар ҳамда табиий ва оқава сув таркибидagi нефть маҳсулотини колонна хроматографик тортиш йўли билан аниқлаш каби мавзулар ҳам ушбу ўқув қўлланмасидан ўрин олган.

Бу ўқув қўлланмаларида ёритилган мавзулар бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд ва лабораторияларда амалий тажрибадан ўтганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мазкур фанга оид ўқув қўлланмаларини тайёрлашда бевосита ишлаб чиқаришдаги тажрибаларни ёритиш мақсадига аҳамият бўлади.

Юртимизда ер ости бойликларимиздан унумли фойдаланиш борасида менинг инновацион таклифларим шундан иборатки, Худо берган метан, этан, пропан ва бутан газларини ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида ректификация колонналарида алоҳида ажратиб олиш лозим. Масалан, метандан синтетик бензин, эритувчилар, резина шиналар олишга мўлжалланган цехлар барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан эллик йиллар илгари ва ундан кейинги йилларда қазилган газ қудуқларидан ҳозиргача газ машъала (факе)лар кеча-ю кундуз бир неча метр баландлиқда ёниб ётибди. Ундан чиқаётган углерод IV оксиди ва бошқа газлар ҳавони бул-



гаепти, озон қатламга зиён келтираепти. Ана шу иссиқлик манбаини бугунги кунда тозаланган метан газини ёқаётган цемент ёки гишт ишлаб чиқариш заводларида, қурилаётган иссиқхоналарга йўналтиришни таклиф қиламан.

Этандан этилен, ундан полиэтилен олиш, портловчи моддалар, антифризлар, ацетальдегид ва синтетик каучик олиш цехларини қуриш керак. Метандан ацетилен, ундан винилхлорид, пластмасса, винилхлоридни полимерлаб, поливинилхлорид олиш, ундан сунъий чарм пашчлар ва клёнкаларни ишлаб чиқариш, ацетилендан сунъий тола, бўёқ, лак, атир ва дорилар ишлаб чиқариши йўлга қўйса бўлади. Бунинг учун амалий тажрибага асосланган мазкур йўналишлардаги ўқув қўлланмаларини кўпайтириш, соҳанинг жозибадорлигини ошириш, уларнинг келажакда берадиган фойдасини асослаб, тадбиркорларни жалб этиш керак. Бундан ҳам жамият фойда кўради, ҳам қўшимча ишчи ўринлари яратилади.

Чўлли ТУРСУНОВ, химик-тадқиқотчи.

МУРОЖААТНОМА

2021 йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади.

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ВА ОДАМ САВДОСИ

СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ДУНЁДА ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИ ОҚИБАТИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН ГЛОБАЛ ХАВФ БУ ИЛЛАТГА ҚАРШИ ЖИДДИЙ КУРАШ ОЛИБ БОРИШНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА. МАМЛАКАТИМИЗДА НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ВА ОДАМ САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. АЙТИШ КЕРАККИ, ОДАМ САВДОСИ — ИНСОН, УНИНГ ШАЪНИ, КАДР-ҚИММАТИ, ОСОЙИШТА ТУРМУШИ ҲАМДА КЕЛАЖАГИГА ТАХДИД СОЛАЁТГАН ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТ БЎЛИБ, ЎЗИНИНГ ЧЕГАРА ТАНЛАМАСЛИГИ ҲАМДА ГИРДОБИГА АСОСАН ЁШЛАРНИ ВА АЁЛЛАРНИ ТОРТАЁТГАНЛИГИ БИЛАН БАРЧАДА КАТТА ТАШВИШ ВА ХАВОТИР УЙЎТМОҚДА.

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда қўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Бироқ, одам савдоси билан боғлиқ



жиноятлар бу ҳуқуқнинг қўпол тарзда бузилишига олиб келмоқда.

Сўнги йилларда одам савдоси жинояти сабабли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу иллатга қарши курашишга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало, одам савдоси жиноятлариға барҳам бериш учун етарли ҳуқуқий-норматив база шакллантирилди.

Хусусан, 2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан мамлакатимизда бу глобал муаммага қарши курашиш ҳамда ундан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ҳар бир инсон яхши орзу-умидлар билан яшайди. Ҳалол меҳнат қилиб оилани боқиш, шу йўл билан жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилади. Аммо баъзи ортиришга рўжۇ қўйган кимсалар ҳам йўқ эмас. Улар ўз мақсадлариға эришиш учун ҳар қандай қабиҳ ва разил йўлдан қайтмайдилар. Бугунги

кунда ҳаммани ташвишга солаётган одам савдоси билан шуғулланаётган кимсаларни ана шундай тоифадаги шахслар қаторига қўшиш мумкин.

Одам савдоси бугунги кунда дунёнинг барча минтақасидаги давлатларга тахдид солмоқда. Турли маънавий тахдидлар қаторида одам савдоси билан боғлиқ масалалар бизнинг мамлакатимизда ҳам жиддий ташвиш уйғотади. Бу нохуш ҳодиса юртимиздаги барчани хушёрликка, огохликка даъват этади.

Шахсининг озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва эркин меҳнат танлашига қарши қаратилган бу жиноят бутун инсоният хавфсизлигиға тахдид солаётган

трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бирidir. Ўз домига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан катта хавотир уйғотмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад жуда катта рақамни ташкил этади. Маълумотларға кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг нафар инсон одам савдосининг жабрланувчисига айланмоқда. 600-800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан чет элларға олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда. Бундай жиноятлар, афсуски, республикаимизда ҳам мавжуд бўлиб, фуқаролар турли алдов ва фирибгарликлар қурбонига айланиб қоляпти.

Кузатишлар ва хулосалар шунки кўрсатмоқдаки, одам савдосидан азият чекаётган жабрланувчилар орасида аёллар ва воёга етмаган ёшлар борлиги бизни янада хушёрликка хорлайди.

Одам савдоси билан шуғулланувчи фирибгар ва тўдаларни ўргимчак тўриға қиёслаш мумкин. Ўргимчак тўриға тушган ҳар қандай ҳашарот унинг ўлжасига айланади. Одам савдоси билан шуғулланувчи кимсаларнинг тўриға ийлиниб қолиш ҳам ана шундай аянчли оқибатлар билан тугайди. Шундай экан, одам савдосига қарши огоҳ ва хушёр бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Замондошларимизни хушёрликка, огохликка даъват этсак, уларни одам савдоси билан шуғулланувчи фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолишдан асраган бўламиз.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Миробод туман судининг судьяси.



ИИВ ХАБАРЛАРИ

27000 ВОЛЬТЛИ СЕЛЬФИ

Селфмания атамаси бир неча йил аввал ёшлар ўртасида кенг тарқалиб, сўнги вақтларда муомаладан чиқиб бораётган эди. Бироқ 15 январда темир йўл вагонларидан бирида содир бўлган навабдаги кўнгилсизликка айнан сельфига тушиш истаги сабаб бўлган.

Ички ишлар вазирлиги транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси Тошкент жанубий вокзалида хавфсизликни таъминлаш бўлими навабчилик қисмиға келиб тушган хабарға кўра, воқеа жойиға чиқиб, урганиш ишлари олиб борилди. Аниқлаштиришча, Сергеи Бекатининг 3-йўлида турган вагон тепасиға сельфига тушиш мақсадида чиққан 2002 йилда тугилган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси юқори кучли ишчи тоқ уриши оқибатида қаттиқ жароҳатланган. Жароҳат ўта жиддий бўлиб, тананин 93 фоизи иккинчи ва учинчи АБ даражали термик куйиш, учинчи даражали бош миёна ёпиқ жароҳати ташхиси қўйилган. Эндигина ўн тўққиз ёш ичи қарши олган йигит учун бу албатта катта фожиа. Уйламай босилган қадам, ижтимоий тармоқни ҳайратлантириш учун ўз ҳаётини хавф остиға қўйиш оғир оқибатларға сабаб бўлиши мумкин.

Холат юзасидан маъзур ҳудудда тушунтириш профилактик ишлари олиб борилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, поезд вагонлари устидан ўтган электр симларида 27000 вольт кучли ишчиға эга ток ҳаракатланади. Бу эса инсон ҳаёти учун ўта хавфлидир. Шундай экан, нафақат электр токи ва поезд вагонлари билан боғлиқ, балки бошқа ҳолатларда ҳам хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш талаб этилади.

Нилуфар ТўРАХОНОВА,
ИИВ матбуот хизмати ходими, лейтенант.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Яшнобод туман кенгаши учун Яшнобод туманида жойлашган биноларнинг биринчи қаavatидан нотураж жой сотиб олишини маълум қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Олмазор туман кенгаши учун Олмазор туманида жойлашган биноларнинг биринчи қаavatидан нотураж жой сотиб олишини маълум қилади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Саодатмандлик сурури

Каттақўрғон тумани — Самарқанд вилоятининг қадим тарихиға эга масканларидан бири. Бу ҳудуддан кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, маърифатпарвар инсонлар етишиб чиққан. Шунингдек, тадбиркор ва ишбилармонларға бойлиги билан ҳам ўзига хос туман. Бунинг бир мисолини эса «Каттақўрғон туман йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси раҳбари Яздон Рустамовда ҳам кўриш мумкин. Яздон аканин шу пайтгача босиб ўтган ҳаёт йўлиға назар ташлайдиган бўлсак, бу йўлнинг асосида аввало, меҳнатсеварлик ва ташаббускорлик ётганини кўраимиз.



1959 йилнинг 30 январида Миракас қишлоғидаги ҳайдовчи Қурбон ака оиласида ўғил фарзанд туғилди. Ота-она яхши ниятлар билан чақалоққа Яздон деб исм қўйдилар.

— Раҳматли отам 50 йилдан ортиқ ҳайдовчи бўлиб элга хизмат қилдилар, — дейди суҳбатдошимиз. — У кишини таниган-билганлар ҳалигача камтарин, элпарвар инсон эдилар, деб эслашади. 2006 йилда Ҳажга борган, фарзандларининг бахту камолини кўрган отамиз 2012 йилда 86 ёшда кўнгилхотиржамлигида бу дунёни тарк этдилар. Онам Тўхтатощ ая ҳам қишлоқнинг оддий аёли бўлган, лекин қўллари гул чевар эдилар. Онам ҳақида гапирганда кўз олдимда бутун ҳаётини оиласиға, фарзандларига бағишлаган муштирап бир ўзбек аёли гавдаланади. Оилда биз учун ҳалоллик,

меҳнатсеварлик ва албатта илм олиш асосий мезон бўлган. Мен Валижон деб аталадиган қўшни қишлоқдаги мактабда аъло баҳоларға ўқиганман. Талаба бўлиш, энг асосийси, ота-онамаға, элу юртға фойдаси тегадиган инсон бўлиш ўқувчилик пайтимидаги улкан орзум эди. Ана шу орзу мени 1975 йилда Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтиға етаклаб келди. Имтиҳонларни муваффақиятли топириб, талаба бўлдим. Бу менин ҳаётимдаги биринчи ва ишончли қадамим эди.

Яздон ака 1981 йилда институти тугатиб, ҳозирги МТП деб аталадиган ташилотнинг қурилиш бўлимида уй-жой қурувчиси бўлиб ишни бошлади. Тез орада кўпчиликнинг эътиборига тушиб, тумандаги барча йирик қурилиш иншоотларида малакали мутахассис бўлиб иштирок эта бошлади.

— Бугун тумандаги кўплаб иншоотларда менин ҳам ҳиссам борлигидан қувонаман, фахр ҳиссини туяман, — дейди у киши. — «Агроқомстройремонт» корхонасида бош муҳандис бўлиб ишлаган кезларимда, айниқас, кўплаб қурилишларда иштирок этганман. Етарлича тажриба тўплаганимдан сўнг «шу ишни ўзимнинг жамоам билан қилсам бўлмайди?» деган фикр хаёлимда тез-тез айлана бошлади. 1988 йилда Каттақўрғонда биринчилардан бўлиб қурилишға ихтисослашган корхонани ташкил қилдим. Ушбу корхона айни пайтға қадар «Миракас» номи билан фаолият

юритиб келяпти. 30 нафар киши доимий иш ўрни билан таъминланган.

Яздон ака мустақилликнинг дастлабки йилларида тумандаги давлат идораларида турли лавозимларда масъулият билан фаолият юритди. Шу билан бирга, ўзи ташкил қилган корхона фаолиятини ҳам доимий равишда ривожлантириб борди. Йиллар ўтиб эса фаолиятини тўлиқ тадбиркорликка бағишлади, яъни «Миракас» хусусий корхонаси раҳбари сифатида ўзининг бутун салоҳиятини намоён этишға киришди.

—1997 йилдан 2015 йилгача шу корхона раҳбари бўлдим, — дейди Яздон Рустамов. — Бу йиллар давомида корхонамиз, кўз тегмасин, оёққа туриб, тўлиқ қувватда ишлашға ўтди. Бу йиллардаги фаолиятимизда ҳаммиша ҳалоллик ва ишончли оқлашға доимий эътибор қаратганимиз ўзининг натижасини берди. 2015 йилда туман раҳбариятининг ташаббуси билан «Каттақўрғон туман йўллардан фойдаланиш» унитар корхонасиға раҳбар бўлиб ишға ўтдим. Мақтанишға йўймангу, ишни бошлаганимда корхона молиявий жиҳатдан жуда ночор аҳволға тушиб қолган эди. 3,5 миллиард сўмдан ортиқроқ қарздорлик бор эди. Менин олдимда ана шу иқтисодий ночор корхонани оёққа турғаз иш вазифаси турарди. Вазиятни тўлиқ ўрганиб чиққан, энг аввало, жамоанин



руҳини кўтаришға ҳаракат қилдим. Кейин эса техникалар олиб келиб, ишни йўлга қўйдим. Ҳайрат Муқимов, Абдуқоҳор Шодиев, Фахриддин Эронов, Аслиддин Турсунов, Қамариддин Турсунов каби жамоамиз аъзолари билан кечани кеча, кундузни кундуз демай ахилликда иш бошладик. Туман ҳокимиятидагилар ҳам қараб туришмади, қўлдан келганча ёрдам беришға ҳаракат қилдилар. Бунинг

натижасида биз 2018 йилдан тўлиқ даромадға ўтдик. Ҳар йили 30-35 миллиард сўмлик ишларни ўз вақтида бажардик.

Яздон аканин бу гапларини эшитар эканман, буюк бобомиз Амир Темурнинг «Тажрибамдан кўрилганким, ази қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши, мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир», деган сўзлари беихтиёр ёдимға келди. Ҳа, бу сўзлар ҳамма замонларда долзарб аҳамият касб этган ва бугун ҳам худди шундай. Ота-боболаримиз тадбиркор инсонларни жамиятининг энг илғор, тадбирли, ишининг кўзини билувчи, доно ва қомил аъзолари сифатида билиб, қадрлаб келганлари бежиз эмас, албатта.

— Бугунги кунда мамлакатимизда касб-хунар эгаллаш, ишлаш ва илганиш учун барча шарт-шароит, имкон ва имтиёз мавжуд, — деб суҳбатни давом эттиради Яздон ака. — Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақам таянчи бўлиши шарт, деган ғоялари бугун ҳаётимизда тўлиқ ўзифодасини топмоқда. Айни пайтда мен учун қадрдон «Миракас» корхонасиға

ўғлим Толибжон раҳбарлик қилмоқда. СамДУнинг молия-иқтисод йўналишини тамомлаган Толибжон корхонани замонавий талаблар асосида юритишни яхши билади. Жавоҳир ўғлим ҳам олий маълумотли иқтисодчи, «Миракас» корхона фаолиятини ривожлантиришға катта ҳисса қўшмоқда.

Ўрни келганда айтмай, Каттақўрғоннинг ривожланиши учун чин маънода ҳаётини бағишлаган инсонлардан бири Аъзамжон Баҳромовнинг хизматларини мамнуният билан эътироф этаман. У киши бизни кўп қўллаб-қувватлаган эди. Шоамат Ўринов, Рустам Хўжамов, Шамиль Галиулин каби устозларимдан беҳад миннатдорман.

Аслини олганда, ҳар бир инсоннинг ҳалол, пешона тери билан даромад топиб, шу орқали оила фаровонлигини, дастурхон тўқинлигини таъминлашға не етсин! Элу юртға наф келтириб, жамиятда муносиб ўринға эга бўлиш ҳам катта саодат.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



МУРОЖААТНОМА



Мамлакатимиз тарихда биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди.

ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ



«ТУРБАТ ЙЎЛИДАГИ ҚАЙДЛАР»

Миллий матбуот марказида халқаро «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори, халқаро сиёсий шарҳловчи, таниқли журналист Шарофиддин Тўлагановнинг «Турбат йўлидаги қайдлар» номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли журналистлар — «Ишонч» ва «Доверие» газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов, «ХХI аср» газетаси бош муҳаррири Норқобил Жалилов, «Жамият» газетаси бош муҳаррири Мақсуд Жонихонов, «Оила даврасида» газетаси бош муҳаррири Хусниддин Бердиевлар ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, педагогика фанлари номзода Ислам Зокиров ва бошқа бир қанча таниқли ижодкор ва олимлар китоб тўғрисида ўзларининг фикрларини билдиришди.

Эътиборли жиҳати, «Узрпорт» канали орқали тақдимот тўғрисида тўғри эфирга узатилди. Фикримизча, китоб тақдимоти тадбирлари орасида биринчи бор тўғридан-тўғри эфир бўлди. Муаллиф китобни самимий, содда тилда ёзган алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги бош директори Абдусидд Кўчимовнинг китобга ёзган сўзбошида шундай дейилади: «Чамаси 1995 йилнинг баҳор ойларининг илк кунлари эди. Ўзбекистон радиосига ишга қабул қилинувчилар учун махсус комиссия ташкил қилинди. Ишга қабул қилинувчилар мана шу комиссия суҳбатидан ўтишлари лозим бўларди. Хонага сочлари тик ўсган ийит кириб келди. Қўлидаги ишга кириш учун ёзилган анкета ҳамда «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ташкент оқшоми», «Ишонч» каби газеталарида босилган мақолалари авайлаб тикилган папкани комиссия аъзоларига топширди. Ҳужжат ва мақолалар билан танишиб чиққандек бўлди. Анкетада «туғилган жойи» деган банд «Чимкент вилояти» дея тўлдирилган эди. Чимкент вилояти (ҳозирги Туркистон вилояти)да ўзбеклар кўпчиликини ташкил қилади, аммо ўзлари яшайдиган туманларга қараб уларнинг урф-одатлари, шеваларида бироз фарқ бор. Шунинг билан олиб «вилоятнинг қаеридансиз?» дея савол берилди.

— Турбатдан, — дея жавоб берди йигит.
— Ия, Туроб аканинг қишлоғиданми? — дедим Ўзбекистон Халқ шоири Туроб Тўлани назарда тутиб. Қишлоғини билишимизни эшитиб, йигитнинг кўзлари чақнаб кетди.

Комиссия аъзолари саволларига етарлича жавоб бергани, республика газеталарида мақолалари босилгани инobatта олиниб, Шарофиддин Тўлаганов Ўзбекистон радиосининг Ижтимоий сиёсий эшиттиришлар Бош муҳарририятига муҳаррир сифатида ишга қабул қилинди. Ишни яхши бошлади. Унга ишониб, бир қатор мавзулар топширила бошлади. Ўша йили радиода «Қатағон қурбонлари», деб номланган туркум эшиттиришлар тайёрлашга қарор қилинди. Бу эшиттириш Шарофиддин Тўлагановга топширилди. Очигини айтиш керак, у бу вазифани удалади...

Бундан ташқари, ўша вақтларда Ўзбекистон радиосида «Халқаро ҳаёт» бош муҳарририятга ташкил қилинган бўлиб, уни кадрлар билан таъминлашга эҳтиёж туғилди. Шунда йўлаб ҳам ўтирмай Шарофиддин Тўлагановни «Халқаро ҳаёт» бош муҳарририятига сиёсий шарҳловчилик лавозимига ўтказишга қарор қилинди. У бу лавозимда ҳам ўз қобилиятини намойиш этиб, том маънода сиёсий шарҳловчи бўлиб етишди.

Бир сўз билан айтганда, Шарофиддин Тўлаганов фарзандлик бурчини адо этиш мақсадида ўзининг илк китобини «Турбат йўлидаги қайдлар» деб атабди. Тўғри, китобда Турбат ҳақида маълумотлар кам. Муаллиф ўз қайдларини китоб қилишга уринган холос. Бироқ китобда қизиқарли маълумотлар, муаллифнинг ички кечинмалари акс этган, дея оламиз. Албатта, камчиликлар ҳам бўлиши мумкин, бундан кўз юмиш керак эмас. Шарофиддин ҳодисаларга журналист нигоҳи билан қарашга уринган.

— Халқаро сиёсий мавзуларда фикр юритиш жуда ҳам мушкул, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков. — Ана бординки, бу мавзуда 2-3 дақиқа гапириш мумкин. Аммо Шарофиддин Тўлаганов халқаро сиёсий мавзуларда, жумладан, Яқин Шарқ ва Афғонистон борасида соатлаб сўзлаш, ўз муносабатини, ўз нуқтаи назарини билдириши, таҳлил қилиши мумкин. Бу эса журналистнинг билим доираси кенглиги, тафаккури, мулоҳаза қила олиш қобилиятининг юксаклигидан далолатдир. Китобнинг сўзбошида ёзилганидек, журналистнинг халқаро майдонда содир бўлаётган воқеалар, сиёсий тадбирлар, турли мамлакатлар ҳақидаги мақолалари, хорижий давлатларга қилган хизмат сафарларига оид таассуротлари кўпчиликка қизиқ бўлиши табиий.

Бир сўз билан айтганда, муаллиф катта ҳаётнинг пасту баланди, аччиқ-чучуғи, изтироб ва қувончларидан олган сабоқларини жамлаб, китобга муҳрлаган.

«Турбат йўлидаги қайдлар» болалиқнинг бегубор хотиралари, орзулар йўлидаги интилишлар, синчков журналистнинг ҳаётга муносабатлари бўлажак журналистлар учун фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЎЛГАН ВОҚЕА

Футбол, мухлис ва тулки

Ажойиб одамлар бор. Кимдир уй-жой қуришга қизиқса, бошқа биров автомашина ошуртаси, яна кимлардир марка йиғишга ишқибоз, айримлар эса ноёб китобларни тўплаб, ўз кутубхонасини ташкил қилади.

Биз бу ҳақда бежизга тўхталмадик. Бойси, Денов туманида истиқомат қилувчи Баҳодир Жабборов футбол шинавандаси. У Жаҳон ва Европа чемпионатлари қачон, қаерда ўтказилгани-ю, қайси терма жамоа чемпиони бўлганигача ёддан билади.

Миллионлар ўйини ихлосмандига мабодо: «Месси зўрими ёки Роналду?» деган савол берилса борми, тинмай аргентиналик футболчини мақтайди. Лионел Мессининг ўзга сайёрадан эканлигидан бошлаб, олти марта олтин тўп олганигача гапирди. ...Месси зўр, Месси бетакрор, Месси афсона...

Аммо биродаримизнинг ўзи Португалия терма жамоасининг ашаддӣ мухлиси. Ушбу жамоанинг ҳар бир ўйинини ўзгача интиқлик билан кутади ва зўр иштиёқ билан томоша қилади.

Эсингизда бўлса, Бразилия яшил майдонларида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионати (2014 йил) иштиёқларга олам-олам қувонч бахш этганди. Афсуски, ўша турнирда немислар португалияликларни мағлубиятга учратган. Бунга эса «тулки» айбдор бўлганимиш.

— Бойси Германия ва Португалия терма жамоалари ўйнайдиган кунни хотин ва болаларни меҳмондорчиликка жўнатдим, — дейди қаҳрамонимиз. — Кўк чойни дамлаб, энди телевизор мурваттини бураганим, кимдир чақирди. Деразадан қарасам, кўшимизнинг ўғли «сим» сўраб келган экан. Кўшничликда, гоҳ улар, гоҳида биз зарурат юзасидан бир-биримиздан нарсасўраб тура-миш. Шу боисдан унинг ошона, омборхона, оғилхонасини излаб, охири унинг сўраган нарсасини топиб бердим.



Уйга кирганимда учрашувнинг 15 дақиқаси бошланган экан. Не кўз билан қарайки — 1:0. Аттанг, йўғимда гол ўтказишти-да. Бунинг учун кўшимизнинг ўғлини анча койидим. У келмаганида жамоамни кўллаб-қувватлаган бўлардим. Шунда гол ҳам бўлмасди...

Кўп ўтмай, дилни хира қиладиган яна бир ноҳус воқеа рўй берди. Бу Пепи, дегичлари Зидандан тўғли олганими, аввал рақибни йиқитди, кейин эса каллани ишга солди. Ҳакам ҳам шартта қизил карточка кўрсатди-ю, майдондан чиқариб юборди уни. Оббо, энди нима бўларкин-а?

Кўнгиш келтириб бўлганда ҳеч нарса ёқмас экан. Тинчим бузилган, ҳаловатим йўқ. Ёнбошлайман, ағдариламан, чой ичаман. Биринчи бўлимнинг ўзидаёқ «немис машинаси» бир «юрмоқлик» қилди-диган кунни хотин ва болаларни меҳмондорчиликка жўнатдим. Германларнинг «бензини» тозами, тўхтаб демасди. Биринчи 45 дақиқанинг ўзи 3:0 ҳисобида яқунланган дилимни буткул вайрон қилди.

...Иккинчи бўлим бошланган эдиямки, итим «Тузик» жон ҳолатда ақиллай бошлади. Яна ташқарига отилдим. Жониворнинг орқа оёғидан қон сизиб турарди. Уни шу кўйга солгани койидим-да, жароҳатини латта билан бойладим. Хаёлим эса футболда. Қанийди

уйга кирганимда телевизор 3:3 рақамини кўрсатиб турган бўлса...

Энди жойлашувим-ки, қутилмаганда осуда тунни товукларнинг патирлаб галати қақағлаши бузди. Уфф, яна нима бўлди-кин?... Ҳовлининг чирогини ёқа солиб, кататка югурдим. Кечиккан эканман, кургур тулки кататка кириб, товукларнинг алпачақон икитасини «ҳалоллабди».

Футбол қолиб, бор аламинини тулкидан олишга киришдим. Эшикни қиялатиб очганим, паррандалар ўзини ташқарига урди. Бир «хуштак» билан итим «Тузик»ни чақирдим. «Энди ҳолингга маймунлар йиғлайди тулкижон», деб итни кататка қамадим. Португалияни мағлуб қилётган немисларнинг ўчини сендам олмасам, кўнглим жойига тушмайди, дедим.

Яккама-якка олишув бошланди мени қўлиб, жони ҳам мингта эканми, кургурнинг ҳеч бўш келгиси йўқ. Кураш айни авжга чиққанда эса айёр жонивор сулайди-қолди.

Болаларим сизагидан эшикчадан амал-тақал қилиб «уйча»га кирдим. «Улган» тулкига қўл узатганимни биламан, у менга таппа

ташланди ва қўлимга чанг солди. Довдираб, талмовсираб, ҳаяжонланиб қолдим. Унга жон кирди шекли, тўртта бармоғимни тишлаб олди. Нима қилишни билмайман. Бақирай десам, овоз чикмайди. Хаёлим учган. Ҳийлакор ҳайвон қилгиликни қилди-да, шартта қочди-ю кетди.

Алқисса, найрангбоз тулкининг айби билан Португалия 4:0 ҳисобида ютқазди, Роналдунинг ўйини қовушмади, Пепи «қизил» олди, мен эса жароҳатландим.

Тун ярмида миямга чақмоқдек урилган фикрдан қўриқиб кетдим — мабодо тулки кутурган бўлса-чи?!

Эртаси кун эрталабдан ши-фоҳонага бордим. Шифокорлар гапимни эшитгач, қийқириб қулиб юборишди.

— Ит, мушук, каламуш озор берганларни эшитганмиш, аммо тулки тишлаган одамни биринчи марта кўришимиз, — дейишди улар.

Хуллас, саломатлик посбонлари мени обдон текширишди. Хайрият, соғлигим жойида экан. Аммо, дилни вайрон қилган ўша тулкида ҳамон аламин бор. Чунки мен телевизор ёнидан жилмаганимда, Португалия ютқазмасди.

Абдумалик Ҳайдаров,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоэлектронлиқлар, радиостанциялар ва бошқа радиоэлектрон воситалари) ўрнатилган тартибда мусодар қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электроманит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

- Ташкент шаҳри,** Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
- Андижон шаҳри,** Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
- Бухоро шаҳри,** академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
- Жиззах шаҳри,** Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
- Нукус шаҳри,** Ерناзар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
- Қарши шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
- Навоий шаҳри,** Амир Темури кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.

- Наманган шаҳри,** Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
- Самарқанд шаҳри,** Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
- Термиз шаҳри,** Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
- Гулистон шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
- Фарғона шаҳри,** Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
- Урганч шаҳри,** Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.



Аدل ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.

Алишер Навоий

Неъматга шуқр этиш ўша неъматнинг ўзидан ҳам яхшироқдир.

Жалолоддин Румий

Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратли нарса хирс ва газабдир.

Абу Али ибн Сино

Сабр билан ишлар битар,
Шошқалоқлик бошга етар.

Хусайн Воиз Кошифий

Мусибат етганда сабр қилувчи, берилган неъматларга шуқр қилувчи, бировларнинг қилмишини кечирувчи, ўзи бировга озор етказса, тавба қилувчи кишиларга хотиржамлик ва ҳидоят ато этилур.

Ҳадис

Барқарорликсиз на севги, на дўстлик ва на яхшилик бўлмайди.

Жозеф Аббисон

Оқил кишилар дўст билан душманни,душман билан дўстни алмаштирмайдилар.

Абдураззоқ Самарқандий

Ҳар нарсанинг янгиши, аммо дўстнинг эскиси яхши.

«Оталар сўзи»

БҲҒҒН Об-ҳаво маълумоти (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти **-3-8 / 0+5**

Бухоро ва Навоий вилоятлари **0-5 / +7+12**

Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари **0-5 / +7+12**

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари **0-5 / +7+12**

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари **-3-8 / +5+10**

Ташкент вилояти, Ташкент шаҳри **-2-4 / +7+9**

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:



Бoш муҳаррир: Сафар ОСТОНОВ

ТАНРИР НАҲ'АТИ:

- Улуғ'бек ИНОҲАТОВ
- Улуғ'бек ВАҒОҒЕВ
- Маҳмуд ТОИР
- Қаландар АБДУРАҲМОНОВ
- Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА
- Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ
- Ҳайотхон ОРТИҚБОҒЕВА
- Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 141. 2464 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21:35. Topshirilgan vaqti — 23:10.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Nurullo OSTONOV Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6